

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РОЗИКОВА ГУЛБАХОР ЗАЙЛОБИДИНОВНА

**«ДЕВОНУ ЛУҒОТИТ ТУРК» АСАРИДАГИ ОТ ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ
СЕМАНТИК, ФУНКЦИОНАЛ ВА УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона - 2021

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Розикова Гулбахор Зайлобидиновна

«Девону луғотит турк» асаридаги от лексемаларнинг семантик, функционал ва услубий хусусиятлари.....3

Rozikova Gulbaxor Zaylobidinovna

Semantic, functional and stylistic features of noun lexemes in «Devonu lugotit turk»37

Розикова Гулбахор Зайлобидиновна

Семантические, функциональные и стилистические особенности имён существительных в «Девону луғотит турк».....69

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....74

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РОЗИКОВА ГУЛБАХОР ЗАЙЛОБИДИНОВА

**«ДЕВОНУ ЛУҒОТИТ ТУРК» АСАРИДАГИ ОТ ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ
СЕМАНТИК, ФУНКЦИОНАЛ ВА УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2021

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/Fil218 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.fdu.uz ҳамда «Ziyounet» ахборот таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Дадабоев Ҳамидулла Арипович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдушукуров Бахтиёр Бўранович
филология фанлари доктори, профессор

Омонов Қудратилла Шарипович
филология фанлари доктори, профессор

Рустамий Салимаҳон Алийбеғ кизи
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 14 декабрь куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (373) 244-44-02; e-mail: fardu_info@umail.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (38 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (373) 244-44-02; e-mail: fardu_info@umail.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил « 3 » декабрь куни тарқатилди.
(2021 йил « 3 » декабрь даги 39 рақамли реестр баённомаси)



Ш.М.Искандарова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

М.Т.Зокиров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, филол.ф.н., доцент

М.Х.Ҳакимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида туркий тиллар учун муштарак қадимги ёзма ёдгорликлар лексикасини тизимли асослаш, тарихий-лексикографик манбаларнинг мазмуни ва аҳамиятини келажак авлодга етказиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Тил ҳодисаларининг тарихий тадрижини синхрон ва диахрон аспектда уйғун таҳлил қилиш, тилларнинг қадимги ёзма манбаларини замонавий тиллар билан қиёслаш асносида тил тарихига оид синергетик қонуниятларни аниқлаш дунё тилшунослиги олдида турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу вазифаларни амалий ҳал этишда мавзуй-идеографик луғатлар тузиш ўрганилаётган ёзма манбаларнинг, тарихий луғатларнинг, жумладан, «Девону луғотит турк» асарининг лексикографик таҳлилида янги илмий ютуқларга эришиш имконини беради.

Дунё тилшунослигида тил, тафаккур ва маданият муносабатлари талқинига диахрон аспектда ёндашув «Девону луғотит турк» асаридаги от лексемаларнинг функционал-семантик, когнитив ва лингвокультурологик хусусиятларига хос қонуниятларни ёритишда фундаментал асос бўлади. Шубҳасиз, ҳозирги ўзбек адабий тилида истеъмолда бўлган лексемаларнинг тарихий тадрижини белгилаш, лексемалар доирасидаги маъновий муносабатларни тилнинг муайян даврига хос оламнинг лисоний манзараси билан боғлиқ ҳолатда тавсифлаш, от лексемаларга хос когнитив жараёнларни янги илмий парадигмалар асносида мукамал таҳлил этиш билангина муаммонинг назарий жиҳатларини тўлиқ асослаш мумкин.

Ўзбек тилшунослигида туркий тилларнинг қабила ва уруғ тилларидан уруғ бирлашмаларига айланишидек муҳим бир тарихий даврида яратилган Маҳмуд Кошғарий «Девон»ининг лексикографик хусусиятлари, лексик-семантик, морфологик, синтактик жиҳатлари кенг ўрганилган. Бугунги кунда илм-фаннинг барча тармоқларида бўлгани сингари, тилшунослик фанида ҳам ушбу тарихий луғат асносида кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда. Зеро, «...тарихий-маданий меросимиз намуналарини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг жаҳон илм-фани ва цивилизацияси ривожига қўшган беқиёс ҳиссасини тарғиб этиш, шу асосда юртдошларимиз, аввало ёш авлодимизни халқимизнинг буюк маънавий меросига ҳурмат, она юртимизга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган ишларнинг натижадорлигини тубдан ошириш бўйича долзарб вазифалар турганини алоҳида таъкидлаш лозим»¹лиги Маҳмуд Кошғарий қолдирган бебаҳо маънавий меросни тилшунослик нуктаи назаридан ўрганишга асос бўлмоқда. Дунё туркийшунослигида, хусусан, ўзбек

¹ lex.uz/docs/3211987: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги Қарори. Мурожаат этилган сана: 30.03.2021.

тилшунослигида Махмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» (баъзи ўринларда «Девон» шакли ҳам қўлланилди) асари юзасидан салмоқли илмий манбалар яратилганига қарамай, асарда қўлланган от лексемалар монографик йўналишда махсус ўрганилмаган. Асар сўз бойлигини тилшуносликнинг янги йўналишлари асосида ўрганиш туркий халқларнинг миллий-маданий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий турмуши, урф-одатлари, кадриятлари, XI асрдаги оламнинг лисоний манзараси ҳақида тўлақонли тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»; 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»; 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари; 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 989-сон «Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Махмуд Кошғарийнинг ҳаёти ва ижоди, «Девону луғотит турк» асари, муаллифнинг маърифий, илмий-назарий қарашлари муаммолари бўйича дунёдаги йирик илмий марказлар, олий таълим муассасаларида, жумладан, Брендис университети, Чикаго университети (АҚШ), Бреслау

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <http://en.wikipedia.org/>; <http://ru.wikipedia.org/>; <http://az.wikipedia.org/>; <http://www.jstor.org/>; <http://www.cyberleninka.ru/>; <http://www.dissercat.com/>; <http://books.google.co.uz/https://tr.wikipedia.org/>; <https://www.turuz.com/>; <https://www.tdk.gov.tr/divanu-lugatit-turk/kasgarli-mahmud-ve-divanu-lugatit-turk/> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

университети (аввалги Германия, hozirgi Польша), Мюнхен университети (Германия), М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Уфа давлат университети, Россия Фанлар академиясининг лингвистик тадқиқотлар институти, Россия Фанлар академиясининг шарқ қўлёзмалари институти (Россия Федерацияси), Анкара университети, Истанбул университети (Туркия), Бошқирд давлат педагогика университети, Озарбайжон фанлар академияси хузуридаги Насимий номидаги тилшунослик институти (Озарбайжон), Павлодар давлат университети, Аркалик давлат педагогика институти (Қозоғистон), Қирғизистон миллий университети, Бишкек давлат университети, Ўш давлат университети (Қирғизистон), шунингдек, Тошкент давлат Шарқшунослик университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Самарқанд давлат университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳон тилшунослигида Маҳмуд Кошғарий ижоди ва «Девону луғотит турк» юзасидан куйидаги илмий натижалар олинган: «Девон» немис тилида алифбо тартибида чоп этилган (Schlesische Friedrich-Wilhelms-Universität zu Breslau), луғатдаги лексик бирликларнинг сўз ясалиш хусусиятлари ўрганилган (*Ludwig-Maximilians-Universität München*), «Девону луғотит турк» инглиз тилига таржима қилинган ва Маҳмуд Кошғарийнинг туркий халқлар ва тиллар тўғрисидаги қарашлари умумлаштирилган (Chicago university), Маҳмуд Кошғарийнинг ареал лингвистика бўйича қарашлари ўрганилган (*Harvard Ukrainian Research Institute*), «Девон»нинг фонетик, лексик, грамматик хусусиятлари атрофлича тадқиқ қилинган (Институт лингвистических исследований РАН, Институт восточных рукописей РАН), Маҳмуд Кошғарийнинг ҳаёти ва «Девон»да туркий тилларга оид лингвистик қарашлар ўрганилган (İstanbul Üniversitesi, Ankara Üniversitesi), «Девон»нинг лексикографик хусусиятлари ва ундаги лингвистик терминлар ўрганилган, луғат муайян ўзгартиришлар билан қайтадан нашр қилинган (Тошкент давлат Шарқшунослик университети) луғатнинг тил хусусиятлари, ундаги тарихий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, астрономик терминлар, гендерологик бирликлар ҳамда зоонимик лексика тавсифланган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети), «Девон»да ифодаланган ОЛМ, «инсон», «гўзаллик», «соғлик», «тураржой» концептларининг лексик-семантик структураси асослаб берилган (Самарқанд давлат университети).

Дунё тилшунослигида Маҳмуд Кошғарий «Девон»и бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: «Девон»нинг турли нашрлари, таржималари ва асл нусхаси ўртасидаги тафовутлар масаласи, асарнинг фонетик, лексик, грамматик хусусиятларини hozirgi туркий тиллар билан қиёслаб ўрганиш, «Девону луғотит турк»даги лексик бирликларнинг семантик хусусиятлари, «Девон»да

олам лисоний манзарасининг акс этиши ва асарнинг лингвокультурологик жиҳатларини тадқиқ қилиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари тилини ўрганиш борасида жаҳон миқёсида бир қатор изланишлар амалга оширилган. Ж.Худойбердиевнинг 2011 йилда нашрдан чиққан китобида луғат бўйича яратилган асарнинг сони 1779 та деб кўрсатилган³. Жумладан, К. Броккельман, В.Радлов, Г.Бергштрассер, Ф.Хоммел, О.Прицак, И.Хавеншилд, Р.Денкофф, В.В.Бартольд, С.Е.Малов, И.И.Умняков, А.Н.Кононов, А.М.Щербак, С.Г.Кляшторний, Э.Р.Тенишев, И.В.Стеблева, Т.А.Боровкова, Ю.А.Зуев каби Ғарбий Европа ва рус олимларининг ишлари шундай тадқиқотлар сирасига киради.

Жаҳон тилшуносларининг диққат марказида бўлган мазкур асар юзасидан туркологияда ҳам жиддий изланишлар олиб борилган. Б.Аталай, Н.Осим, И.Ҳикмат, С.Бей, М.Ф.Кўпрулу, З.В.Тўғон, Ф.Биртек, М.Ш.Улкуташир, А.Жафер ўғлу, Сечкин ва Сараб Туғба Йуртачар, Б.Чўпонзода, П.К.Жузе, Ж.Валидов, С.Ахалли, С.К.Ибрагимов, И.С.Харковский, А.Экеубай, Х.С.Хўжаев, Р.Аскар, Х.Кўрўғли, А.Б.Халидов, З.Мусабаева, А.Эржиласун, П.Орузбаева, В.Махпиров, А.Рагимов, П.Османиев каби олимларнинг тадқиқотларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзбек тилшунослигида «Девон»га доир тадқиқотлар асарнинг таржималари⁴, фонетик, лексик, морфологик ва синтактик хусусиятларига бағишланган бўлиб, А.Фитрат, С.Муталлибов, Э.Фозилов, Қ.Каримов, А.Рустамов, Ҳ.Ҳасанов, Ғ.Абдурахмонов, Ҳ.Неъматов, Э.Умаров, Ҳ.Болтабоев, Ҳ.Дадабоев, Қ.Содиқов, Б.Абдушукуров, С.Рустамий, З.Байназаров⁵ ва бошқаларнинг ушбу қомусий асарнинг ўрганилишига

³ Қаранг: Худойбердиев Ж. Махмуд Кошғарий ҳаёти ва «Девону луғотит турк» бо‘йича yaratilgan asarlar ko‘rsatkichi. –Тошкент: Akademnashr, 2011. –158 б.

⁴ Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону луғотит турк). Таржимон ва нашрга тайёрловчи Муталлибов С.М. - Т.І. – Тошкент, 1960. – 499 б.; Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону луғотит турк). Таржимон ва нашрга тайёрловчи Муталлибов С.М. - Т.ІІ. – Тошкент, 1961. – 427 б.; Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону луғотит турк). Таржимон ва нашрга тайёрловчи Муталлибов С.М. - Т.ІІІ. – Тошкент, 1963. – 466 б.; Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону луғоти-т-турк) [3 жилдлик]. I жилд. Нашрга тайёрловчилар: А.Рустамов, Ҳ.Болтабоев. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2016. – 388 б.; Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону луғоти-т-турк) [3 жилдлик]. II жилд. Нашрга тайёрловчилар: А.Рустамов, Ҳ.Болтабоев. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2016. – 292 б.; Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону луғоти-т-турк) [3 жилдлик]. III жилд. Нашрга тайёрловчилар: А.Рустамов, Ҳ.Болтабоев. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2016. – 308 б.; Маҳмуд Кошғарий. Дивāну лугāти-т-турк. Свод тюркских слов. Том 1. Перевод на русский язык с комментариями А. Рустами. – Ташкент: MUMTOZ SO‘Z, 2017; Маҳмуд Кошғарий. Девону луғати-т-турк [Туркий сўзлар девони]. Нашрга тайёрловчи: Қ.Содиқов. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-мағбаа ижодий уйи, 2017.

⁵ Фитрат. Энг эски турк адабиёти намуналари. Нашрга тайёрловчи: О.Ҳамроева. Масъул муҳаррир: Ҳ.Болтабоев. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2008; Муталлибов С.М. XI аср ёзма ёдгорликларида феъл категорияси. Тил тарихига доир материаллар. –Тошкент, 1955. – 79 б.; Муталлибов С.М. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк (XI аср ёзма ёдгорликлари асосида). – Тошкент, 1959. –240 б.; Фазылов Э.И. Категория залога в узбекском языке в сравнительно-историческом освещении. Автореф.дисс. ...канд.филол.наук. –Ташкент, 1961. –16 с.; Ҳасанов Ҳ.Ҳ. Маҳмуд Кошғарий. –Тошкент, 1963. –83 б.; Абдурахмонов Ғ.А., Муталлибов С. Девону луғотит турк. Индекс-луғат. –Тошкент: Фан, 1967. – 543 б.; Абдурахмонов Ғ.А. Исследование по староузбекскому синтаксису (XI век). – Москва: Наука, 1967; Нигматов Х.Г. Морфология тюркского глагола по материалам словаря Махмуда Кашгарского.

кўшган салмоқли улушларини таъкидлаш зарур. Шунга қарамасдан, «Девон» юзасидан олиб борилган тадқиқотларни асарнинг лингвистик хусусиятларини изоҳлашда етарли деб бўлмайди. Луғатдаги лексемаларни тарихий-этимологик, функционал-семантик, стилистик, лингвокультурологик жиҳатдан ўрганиш натижасидагина эски туркий тилнинг табиатини тўлароқ тасаввур этиш мумкин. Ўзбек тилшунослигида Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари лексикаси, хусусан, ундаги от лексемаларнинг махсус ўрганилмаганлиги эса мазкур мавзунини монографик планда ўрганишни тақозо этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбек тили тарихи масалалари» мавзусидаги илмий-тадқиқот режасининг таркибий қисми сифатида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Маҳмуд Кошғарий «Девону луғотит турк» асаридаги от лексемаларнинг лингвостатистик, тарихий-этимологик, функционал-семантик, семантик-стилистик ва лингвокультурологик хусусиятларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«Девону луғотит турк» асарини лингвистик аспектда ўрганиш юзасидан олиб борилган тадқиқотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш, кошғарийшуносликдаги лингвистик тадқиқ муаммоларини белгилаш;

луғатда изоҳланган лексемаларни сўз туркумлари бўйича ва от лексемаларни уларнинг маъновий хусусиятига кўра лингвостатистик таҳлил қилиш;

асардаги от лексемаларнинг тарихий-этимологик жиҳатларини очиқ бериш;

от лексемаларни ҳозирги ўзбек адабий тили ва ўзбек шевалари сўз бойлиги билан қиёслаш;

от лексемалар доирасидаги маъно кенгайтиши, торайиши ва маънонинг ўзгариши ҳодисаларини изоҳлаш;

Автореф.дисс. ...канд.филол.наук. –Л., 1970. –24 с.; Нигматов Х.Г. Морфология языка Восточнотюркских памятников XI-XII вв. Автореф.дисс. ...докт.филол.наук. – Баку, 1978; Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI-XII вв. –Ташкент: Фан, 1989. –192 с.; Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. – Ташкент: Ёзувчи, 1991; Абдушукуров Б.Б. XI-XIV аср туркий ёзма манбалар тилидаги зоонимлар: Филол.фан.номз. ...дисс. – Тошкент, 1998; Рустамий С. Маҳмуд Кошғарий луғатининг лексикографик хусусиятлари: Филол.фан.номз. ...дисс. – Тошкент 1998.; Рустамий С. «Девону луғати–т-турк»даги лингвистик атамалар. –Тошкент, 2006; Каримов Қ., Рустамов А. XI асрлар туркий ёзма ёдгорликлар изоҳли луғатининг тузилиши ҳақида. Ўзбек мумтоз адабиёти манбалари луғати. Илк туркий ёдгорликлар изоҳли луғати. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2009. – Б. 3-21; Умаров Э. Новые данные о гласных «Ди.ва:ну луғат ат-турк» Махмуда Кашгарского. II издание. –Ташкент, 2010; Дадабаев Х. «Девону луғотит турк»нинг тил хусусиятлари. –Тошкент, 2017. –132 б.; Байназаров З. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асарида ифодаланган оламнинг лисоний манзараси. Филол.фан.бўйича фалсафа д-ри (PhD) ... дисс.автореф. –Самарқанд, 2020. –44 б.

от лексемаларни мавзуий гуруҳларга ажратган ҳолда тадқиқ этиш орқали уларнинг тарихий тараққиётини очиқ бериш ҳамда луғавий бирликлар орасидаги гипо-гиперонимик, партонимик, функционимик ва градуонимик муносабатларни асослаш;

от лексемаларни шакл ва маъно муносабатига кўра таснифлаш асносида синонимик, омонимик ва антонимик парадигмаларни аниқлаш, уларнинг ўзига хос услубий хусусиятларини тавсифлаш;

от лексемалар доирасидаги метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик ва энантиосемия ҳодисаларини ёритиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Девону луғотит турк» асарининг тўлдирилган ва ислоҳ қилинган иккинчи наشري танланган⁶, диссертацияни ёзишда «Девону луғотит турк»нинг С.Муталлибов, Қ.Содиқов, А.Эржиласун томонидан амалга оширилган нашрлари ҳамда 1969 йилда чоп этилган «Древнетюркский словарь»дан унумли фойдаланилган⁷.

Тадқиқотнинг предмети Махмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асаридаги от лексемаларнинг функционал-семантик, услубий ва лингвокультурологик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-тарихий, тавсифий, компонент таҳлил, чоғиштирма, ретроспектив, лексикографик, лингвомаданий, социолингвистик ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«Девон»нинг тил хусусиятлари бўйича қилинган ишлар умумлаштирилиб, асар лексикасининг қадимги туркий тил, эски ўзбек адабий тили ва ҳозирги ўзбек адабий тили лексикаси билан этимологик жиҳатдан ўхшаш ҳамда семантик жиҳатдан фарқли жиҳатлари далилланган; от лексемалар семантикасида содир бўлган маъно кенгайиши, маъно торайиши, маънонинг ўзгариши ҳодисалари ва лексеманинг маъно табиатига хос шу каби семантик силжишлар *јаш*, *оғил*, *јигит*, *кэјик*, *јилқі*, *сіғір*, *қісір*, *эрүк*, *алқіш*, *көл*, *тағар* каби сўзлар асосида далилланган;

XI аср эски туркий тил луғат таркибида ўз ва ўзлашган қатлам лексик бирликларининг сўз ўзлаштириш жараёнидаги тил контактлари ва уларнинг тил тадрижи босқичларида тутган ўрни очиқ берилган; *парту*, *сандал*, *ўтўг*, *кэртіч*, *қафтан*, *кэбит*, *јоғурт*, *авја*, *кўшк*, *ош* каби туркий сўзларнинг илмий асосланган тарихий-этимологик хусусиятларини ёритишда бу каби лексемаларнинг луғатларда бошқа тил материали сифатида изоҳланаётгани аниқланган;

⁶ Махмуд ибн Хусайн ибн Муҳаммад Кошғарий Туркий сўзлар девони (Девону луғоти-т-турк). I-III. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2016.

⁷ Девону луғотит турк (Туркий сўзлар девони). I-III. Нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. –Тошкент, 1960-1963; Махмуд Кошғарий. Девону луғоти-т-турк [Туркий сўзлар девони]. Нашрга тайёрловчи: Қ.Содиқов. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017; Kâşgarlı Mahmud. Dîvânü Lugâti-türk. Hazırlayanlar A.Ercilasun – Z.Akkoyunlu. – Ankara, 2018; Древнетюркский словарь. –Л.,1969.

асардаги от лексемаларнинг 30 та мавзуий таснифидан 8 та мавзуий гуруҳ, яъни ономастик бирликлар, макон ва замонга оид лексемалар, мато, кийим-кечак ва безак номлари, глуттоник лексика, инсон тана аъзолари номлари (соматизмлар), тиббий истилоҳлар, ўсимлик номлари (фитонимлар), ҳайвон, куш ва паррандалар номлари (зоонимлар)нинг қўлланиш доираси асосланган, от лексемалар доирасидаги гипо-гиперонимик, партонимик, градуонимик ва функционимик муносабатлар таҳлил қилинган;

асардаги омонимлар, синонимлар, антонимлар парадигмаси (уяси)га мансуб от лексемалар аниқланган, бу бирликларнинг тарихий шаклланиш асослари кўрсатилган; лексик бирликлар мақомини белгилаш борасидаги, хусусан, омонимлар ва унга ёндош бирликларга доир мунозарали ҳолатлар билан боғлиқ ечимлар таклиф қилинган; турли мавзуий гуруҳ доирасидаги от лексемаларнинг синонимик ва антонимик қаторларига хос парадигматик муносабатлар лексик сатҳ нуқтаи назаридан изчил далилланган;

«Девон» лексикасидаги полисемия ҳодисаси, асосан, метафора, метонимия, синекдоха ва энантиосемия каби маъно кўчиш усуллари доирасида рўй бергани асосланган, туркий тилларга хос оламни идрок этиш усули сифатида метафораларнинг соматик, зооморф, фитоморф, предметли, табиат-ландшафт, маънавий каби миллий-маданий кодлари белгиланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«Девону луғотит турк» асаридаги от лексемаларнинг мавзуий-идеографик талқини асосида тўпланган лисоний далилларнинг тарихий-этимологик, функционал-семантик, семантик-стилистик ҳамда лингвокультурологик таҳлили натижасида олинган хулосалар тил тарихи билан алоқадор ҳодисаларни тавсифлаш, лексемаларнинг маъно таракқиётини очиқ бериш, адабий тилнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичларига хос хусусиятларни аниқлашга имкон бериши илмий-назарий жиҳатдан асосланган;

тадқиқотдан тилшуносликда тарихий лексикология, лексикография, терминология ва когнитологиядаги лексик-семантик, функционал-стилистик, лингвокультурологик жараёнларни янада чуқурроқ ўрганишда фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилган;

«Девону луғотит турк» асари асосида тузилган идеографик луғатнинг филология йўналишида таҳсил олаётган талабалар, тадқиқотчилар ҳамда соҳа мутахассислари учун муҳим манба бўлиб хизмат қилиши далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланиш юзасидан чиқарилган хулосалар унинг методологияси ва методикаси билан уйғунлиги, соҳа бўйича қўйилаётган муаммонинг долзарблиги, янги ва муҳим вазифаларнинг ҳал этилганлиги, лисоний далиллар талқинининг назарий асосланганлиги, тадқиқотнинг ҳимояга олиб чиқилаётган ҳолатлари қиёсий-назарий усуллар ёрдамида ечилганлиги ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, диссертация натижалари, хусусан, «Девону луғотит турк» асарида қўлланган от лексемаларнинг тарихий-этимологик, функционал-семантик, когнитив ва лингвокультурологик тадқиқи кошғарийшунослик ривожига муайян даражада ҳисса қўшади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ундан университетларнинг ўқув жараёнида ўзбек тили тарихи, семасиология, терминология, когнитив тилшунослик, лингвокультурология фанлари бўйича маъруза ва семинарлар, махсус курсларни ташкил этишда, диссертациялар, монографиялар, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаш, изоҳли, этимологик, тезаурус луғатлар яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқотнинг назарий тақлифлари, амалий тавсиялари ва хулосалари қуйидагиларга татбиқ этилган:

«Девону луғотит турк» асарида қўлланган от лексемаларнинг тарихий-этимологик тадқиқи, *јаш, оғил, јигит, кэјик, јилқі, сёғір, қісір, эрўк, алқйш, кўл, тағар* каби лексемаларнинг луғатлардаги изоҳи билан боғлиқ фарқлар, от ясалишига доир хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида 2012-2016 йилларда бажарилган ФА-Ф1-Г003 «Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши» мавзусидаги фундаментал тадқиқотни бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 30 августдаги 17-01/206-сон маълумотномаси). Натижада назарий фикрлар туркий тиллар, хусусан ўзбек ва қорақалпоқ тилларининг диахроник ва синхроник аспекти белгилашда, тилларнинг ўрганилиш тарихи ва тараққиёт йўлини ёритишда, мазкур тиллар лексикасининг қадимги туркий тил, эски туркий тил лексикаси билан ўхшаш ва фарқли жиҳатларини қиёсан тадқиқ қилишда асосли ва тизимли хулосалар чиқаришга ёрдам берган;

«Девон» лексикасидаги метафора, метонимия, синекдоха ва энантиосемия каби маъно кўчиш усуллари, метафораларнинг соматик, зооморф, фитоморф, предметли, табиат-ландшафт, маънавий каби миллий-маданий кодлари асосидаги назарий хулосалардан «Матн тилшунослиги» номли дарсликни тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сонли буйруғига асосан 237-317 рақамли рухсатнома). Натижада полисемия ходисасига оид фикр-мулоҳазалар дарслик материалларининг илмий далиллар билан бойишига хизмат қилган;

қиёсий-тарихий тилшуносликнинг шаклланишида «Девону луғотит турк» асарининг аҳамияти, лексик бирликларнинг услубий-прагматик хусусиятлари, от лексемаларнинг функционал-семантик хусусиятларига оид илмий хулосаларидан, лексемалар доирасидаги гипо-гиперонимик, партонимик, градуонимик ва функционимик муносабатлар билан боғлиқ

назарий карашлардан «Прагмалингвистика асослари» номли дарслик материалларини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сонли буйруғига асосан 418-045 рақамли рухсатнома). Натижада мазкур дарсликнинг «Тилшуносликнинг қиёсий-тарихий, систем-структур ва антропоцентрик илмий парадигмалари», «Лексопрагматика», «Атоқли отлар ва олмошларнинг прагмасемантик белгилари», «Прагматика, семантика, стилистика» мавзулари назарий жиҳатдан такомиллашган;

«Девону луғотит турк» асаридаги от лексемаларнинг лингвостатистик, тарихий-этимологик, функционал-семантик, семантик-стилистик ҳамда лингвокультурологик таҳлили юзасидан чиқарилган хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси Фарғона вилоят ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери марказида И – 2013 57-рақамли «Ижтимоий экология муаммолари» фундаментал лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Фарғона вилояти ҳокимлигининг 2021 йил 16 сентябрдаги 06-06/5856-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида чоп этилган «Ижтимоий экология муаммолари» номли монография материалларининг мазмуни мукамаллашган, илмий далилларга бой бўлиши таъминланган;

миллий тилимизнинг XI асрга оид луғат хусусиятлари, шунингдек, «Девон» лексикасининг функционал-семантик ва лингвокультурологик аспектлардаги тадқиқи, *jaш, og'il, jig'it, kəjik, jilq'i, si'g'ir, qis'ir, ərük, alq'ish, köl, tazar* каби сўзларнинг маъно таракқиёти; *partu, sandal, ütüg, kərn'ich, qafтан, kəbit, jогурт, awja, k'ushk, osh* каби асл туркий сўзларнинг тарихий-этимологик хусусиятларига доир хулосалардан Фарғона вилояти телерадиокомпаниясининг «Қадрият», «Маънавият сарчашмаси», «Зиё сари», «Замондош», «Адабий муҳит» кўрсатувлари ҳамда «Маънавият – қалб кўзгуси», «Зиё масканларида» номли радиоэшиттиришлари дастурлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Фарғона вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил 14 сентябрдаги 12-01/121-сон маълумотномаси). Натижада мазкур кўрсатув ва эшиттиришлар юртдошларимиз, хусусан, ёш авлодни халқимизнинг буюк илмий ва маънавий меросига ҳурмат, она тилимизга муҳаббат руҳида тарбиялашга, уларнинг илмий билимларини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 18 та, жумладан, 9 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида, шунингдек, кафедранинг илмий семинарларида муҳокама қилинган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 1 та луғат, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган

илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 285 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Девону луғотит турк**» асарига оид **тадқиқотлар таҳлили**» деб номланган. Бобнинг «Девон»нинг жаҳон туркийшунослигида ўрганилиши»га бағишланган биринчи фаслида жаҳон туркийшунослигида Маҳмуд Кошғарий меросининг ўрганилиш тарихи қисқача баён қилинган, «Девону луғотит турк» асарининг лингвистик тадқиқига доир изланишлар, ҳал этилган муаммолар тавсифланган.

Диссертациянинг «Луғатнинг ўзбек тилшунослигида ўрганилиши» деб номланган иккинчи фаслида «Девон»нинг ўзбек тилшунослигида ўрганилиши юзасидан фикр юритилган. «Девону луғотит турк» асарининг лингвистик тадқиқи билан С.Муталлибов, Ғ.Абдурахмонов, А. Рустамов, Б.Ҳасанов, Э.Ғозилов, Ҳ.Неъматов, Ҳ. Болтабоев, Ҳ.Дадабоев, Қ.Содиқов, Б.Абдушукуров, С.Рустамий, З.Байназаров каби филолог олимлар шуғулланганлар. «Девон» юзасидан ўзбек тилшунослигида олиб борилган тадқиқотлар асар таржимаси ва уни нашр этиш, Маҳмуд Кошғарий илмий салоҳияти, луғатнинг аҳамияти, мавжуд нашрлар ва таржималарни қиёслаш, танқидий баҳолаш, асарнинг лексикографик хусусиятларини ёритиш, «Девон»нинг лингвистик хусусиятларини ўрганиш, сўзларга этимологик изох беришда фойдаланиш, туркий тиллар ва «Девон»ни диалектологик жиҳатдан ўрганиш, асарнинг лингвокультурологик хусусиятлари, уни оламнинг лисоний манзараси билан боғлиқ ҳолатда ўрганиш, луғатнависнинг стилистик қарашларини ёритиш, «Девон»да қўлланган мақолларни таҳлил қилишга йўналтирилган ишлар каби гуруҳларга бўлиб таҳлил қилинган. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари туркология ва ўзбек тилшунослигида атрофлича ўрганилган бўлса-да, от лексемаларнинг семантик, функционал, услубий ва лингвокультурологик жиҳатлари тадқиқи амалга оширилмаган.

Биринчи бобнинг «Девону луғотит турк» асарининг ҳозирги ўзбек

адабий тили ва шеваларга муносабати» деб номланган учинчи фаслида ҳозирги ўзбек адабий тили ва шеваларида қўлланаётган эски туркий тилга оид лексемаларга доир муаммолар ёритилган. Турли даврларда жамият ҳаётида содир бўладиган ўзгаришлар, энг аввало, унинг лексик қатламида ўз аксини топади. Бунинг натижасида тиллардаги айрим сўзлар эскириши, истеъмолдан чиқиши ёки янгиси билан алмашилиши мумкин. Бундай семантик ўзгаришларни тадқиқ қилиш тиллар тарихи, тадрижий ривожланиши тўғрисида муҳим хулосалар чиқариш имконини беради. Зеро, Ҳ.Дадабоев таъкидлаганидек, «туркий (ўзбек) тилининг шаклланиш ва ривожланиш динамикасини ўзида рўй-рост акс эттирган кўҳна ёдгорликлар тил хусусиятлари, уларда инъикосини топган турфа фонетик-фонологик, морфем-морфологик, лексик-семантик ва синтактик жараёнларни англамай, уларнинг моҳиятини тушунмай туриб, ҳозирги ўзбек адабий тилининг статик ҳолати тўғрисида бирор жўяли мулоҳаза юритиш амри маҳол»⁸.

«Девону луғотит турк» асари ҳозирги ўзбек тилида мавжуд бўлган сўзларнинг этимологияси, уларнинг асли қайси манбадан келиб чиққанлиги ҳақида ҳам муҳим маълумотлар беради. Масалан, «Девон»да *ياش* *jaš* «ўт» (II,75), *ياش* *jaš* «кўкат» (III,109), *ياش* *jaš* «кўз ёши» (II,150), *ياش* *jaš* «янги», *ياش* *jaš*- *juš* «сабзавот», *ياش* *jaš* *ardi* «кўкарди» (III, 47), *ياش* *jaš* *ardi* «хўл ўт еди» (III,208) сўзлари қўлланган бўлиб, мазкур сўзлар аслида «ўт, кўкат» маъносини англатган *jaš* сўзи билан боғлиқ лексемалардир. Ҳозирги ўзбек тилида «кўз ёши» (III,108) маъносидаги *еш* сўзи «йил, умр» маъносидаги *еш* сўзи билан омонимик муносабат ҳосил қилади. Б.Исабеков *jaš* сўзи ҳақида қуйидагиларни ёзади: «*Еш* сўзи у давр тилида кўп маъноли сўз эди. Лекин бизга, асосан, биринчи маъноси билан етиб келган. Учунчи маъноси бир оз ўзгарган: *еш бола* деганда ҳаётга янги келган маъноси бордир. Шу билан бирга, бу сўзга неча *еш умр* кўрганлик маъноси ҳам юкланган: *яшади – узоқ умр кўрди* феъли ана шу маънодаги *еш* сўзидан ясалган. Бу ҳол тилшунос олимларнинг сўз маъносига алоҳида аҳамият беришларини талаб қилувчи масаладир»⁹. *Наврўз яшарши ва янгилаши фасли* дейилганда баҳорда табиатнинг яшил рангга бурканиши, янги майсаларнинг униб чиқишига ишора қилинади. Демак, жумла таркибидаги *яшармоқ* сўзи қадимий *jaš* сўзидан ҳосил бўлган «кўкарди» маъносидаги *jaš* *ardi* феълининг айнан ўзидир. Ш.Раҳматуллаев «барг рангидаги» маъносини ифодаловчи *яшил* сўзининг этимологияси ҳақида фикр юритар экан, шундай ёзади: «Бу сифат қадимги туркий тилда мавжуд бўлиб, «барг рангига эга бўл-» маъносини англатган *я:ш-* феълидан *-(ы)л* қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, IV, 164), кейинроқ *а:* унлисининг чўзиқлик белгиси

⁸Дадабоев Ҳ. Кўҳна обидалар сўз бойлигини атрофлича тадқиқ этиш – ўзбек тилшунослигининг долзарб масаласи // «Ўзбек тили тараққиёти ва халқаро ҳамкорлик масалалари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. –Тошкент, 2019. –Б.267.

⁹ Бу ҳақда қаранг: Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону луғоти-т-турк) [3 жилдлик]. I жилд. Нашрга тайёрловчилар: А.Рустамов, Ҳ.Болтабоев. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2016. –Б.108-109.

йўқолган (ПДП, 386; Девон, III, 26; ДС, 246); ўзбек тилида а унлиси й унлисига алмашган, ы унлисининг қаттиқлик белгиси йўқолган: йа:ш- + ыл = йа:шыл > йашыл > йашил (ЎТЭЛ, I,147). *jash* сўзи ҳақида Луи Базен атрофлича фикр юритади. Унинг мулоҳазаларига кўра, қадимги туркча *īāš* луғатда ажратилмаган. Бу, шунингдек, намликни (*īāš* «хўл» ва *īāš* «кўз ёшлари»), ёш, яъни дарахтларнинг янгилигини (*īāš* «ёш, янги ўт») ва яшил рангни (*īāš*-ил «яшил») англатган. Бу сўзнинг этимологиясини 557-581 йилларда Хитойнинг энг яқин кўшнилари бўлган мўғул турклари (ту-куе) тасвирланган «Чу Шу» («Чу сулоласи хроникаси») тарихий асари берган. Турклар ҳақида шундай дейилган: «Улар йиллик айланиш ҳақида билиб, вақтни яшил ўт устида ҳисоблашган». Бу шуни англатадики, қадимги туркийлар йиллик ҳисоб-китоб қилиш учун астрономик тақвимга эга эмас эдилар. Улар табиатда янги яшил ўтнинг пайдо бўлишини янги йил келиши деб ҳисоблашган. Қисқаси, инсоннинг ёши кўкатларнинг пайдо бўлиши билан ўлчанган. У, айниқса, кўйларни парваришлашда муҳим ҳисобланган. Кўпайиш ритми ўтхўрлар орасида жуда барқарордир, кўзилар, асосан, эрта баҳорда туғилади. Ушбу ҳайвонларнинг омон қолиши баҳорги яшил кўкатларнинг пайдо бўлишига боғлиқ. Шуни таъкидлаш керакки, янги туғилган ва биринчи марта яшил ўтни кўрган кўзичоқлар «бир ёш» ҳисобланган. Икки ёшли кўйлар шу тарих «учинчи ёш ўт»га етиб борган, яъни икки ёшли кўйлар уч ёш деб ҳисобланган. Турклар «унинг учта яшил байроғи бор» деганда «уч ёш»ни тушунганлар. Шунинг учун *īāš* сўзи тугалланган йилни эмас, балки «қайси ёшда – нечта *jashni*, яъни янги чиққан ўтни кўрди?» деган маънони англатган. Ғарб халқлари туркий тилда кўрсатилган ёшни таржима қилишда умуман хато қилганлар. Ғарбнинг «йилларини» аниқлаш учун *īāš* рақамларидан бирини олиб ташлаш кераклиги унутилган. Масалан, туркийларда 12 ёшли деб ҳисобланган қизнинг ёши французларда 11 ёшни англатади. Бироқ «ёш, яшил» тушунчаси инсоният йилларига тўғри келмайди: болалар нафақат баҳорда, балки барча фаслларда туғилади. Шундай қилиб, савол туғилади: баҳор янгиланиши пайтида туғилмаган одамнинг ёшини қандай ҳисоблаш мумкин? Бу ҳақда аниқ маълумот йўқ. Хуллас, ҳали ташқи дунё таъсирида бўлмаган туркий халқларнинг тақвимларида йил баҳорда бошланган¹⁰.

«Девон»даги от лексемалар таҳлил қилинар экан, *парту*, *санда*, *ўтүг*, *кэрпич*, *қафтан*, *кэбит*, *јогурт*, *авја*, *кўшк*, *ош* каби асл туркий сўзлар луғатларда бошқа тил материали сифатида берилаётгани аниқланди. Масалан, *парту* сўзи «Девон»да «яхтак, бир қаватли устки тўн, партук» (I, 280) маъносида изоҳланган. ДТС да *partu* // *bertü* сўзлари «куртка» деб изоҳланади (ДТС,96). Бу лексема «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да *фартук* шаклида немис тилидан олинган сўз сифатида берилган (ЎТИЛ, IV, 332). Лекин «Девон»нинг 2016 йилги нашрида уни нашрга тайёрловчилар *партук*

¹⁰ Базен Л. Концепция возраста у древних тюркских народов // Зарубежная тюркология. Вып. I. Древние тюркские языки и литературы. –М., 1986. –С. 361-378.

сўзи Шайх Сулаймон Бухорий луғатида ҳам мавжуд бўлиб, «бизда hozирги орқаси боғичлик, иш ва овқат маҳалида тутиладиган партук сўзи каби» эканини таъкидлайдилар. Бизнингча ҳам, hozирги ўзбек адабий тилидаги *фартук* сўзининг этимологияси *партук* сўзи билан боғлиқ бўлиб, унинг фонетик ўзгаришга учраган шаклидир.

Қадимги туркий тилда *қафтан* сўзи қўлланган бўлиб, «устки кийим» маъносини ифодалаган: *قَفْتَانُ қафтан* – тўн, устки кийим (I,291). «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да *кофта* сўзи (русча *кофта* – калта кўйлак ёки плаш < немисча *kluft* – уй кийими) «аёлларнинг калта кўйлаксимон, одатда белгача тушадиган кийими» (ЎТИЛ, II, 414) деб изоҳланган. Кўринадики, луғат муаллифлари бу сўзни иккиланиш билан русча ёки немисча деб кўрсатганлар. Аслида унинг илдизини туркий тиллардан излаш керак. ДТСда *қафтан* «устки кийим, халат, кафтан» деб изоҳланган (ДТС, 405). А.Навоий ҳам бу сўзни Маҳмуд Кошғарий изоҳлаган маънода қўллаган:

Хирқа анинг жисмида қафтан бўлуб,

*Қафтани тўн жисми анинг жон бўлуб*¹¹.

Демак, hozирги ўзбек тилидаги *кофта* сўзи эски туркий тилда қўлланган *қафтан* сўзининг фонетик ўзгаришга учраган шаклидир. Сўз семантикасида торайиш юз берган бўлиб, авваллари у «тўн, устки кийим, халат» маъноларида қўлланган бўлса, hozирда фақатгина «аёлларнинг калта кўйлаксимон, одатда белгача тушадиган кийими» маъносида истифода этилади. М.Фасмер луғатида *кафтан* сўзининг илдизлари турк, озарбайжон, крим-татар тилларига оидлиги, *кафтаничик* – чевар сўзи эса туркий *kaftançy* сўздан ўзлашганлиги ҳақида маълумот берилган¹².

Луғатдаги от лексемалар таҳлил этилар экан, тарихий тараққиёт натижасида айрим сўзларнинг маъносида кенгайиш, торайиш ходисалари юз бергани, айрим сўзлар семантик жиҳатдан ўзгаргани кузатилди. Жумладан, ...*кэјік* лексемасининг ДТСда «буғуларга мансуб жуфт туёқли ҳайвон» ва «умуман ёввойи ҳайвон» маънолари қайд этилган (ДТС, 294). Маҳмуд Кошғарий асарида ҳам бу лексеманинг «аслида ёввойи бўлган ҳар нарса» маъноси келтирилган. Лекин ДТСдан фарқли равишда Маҳмуд Кошғарий бу лексеманинг қўлланиш доирасини яна ҳам чегаралайди, яъни у ҳар қандай ёввойи ҳайвон эмас, балки эти ейиладиган *оҳу*, *буғу*, *архар*ларга нисбатан қўлланганини таъкидлайди. Демак, XI асрга келиб лексеманинг маъносида торайиш кузатилади. Шу билан бирга, бу сўзнинг «кийик» (I, 213) ҳамда «тоғ эчкиси» (I,393) маъноларида қўлланилиши ҳам эътироф этилади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, лексема семемасидаги «ёввойи» семаси унинг ҳайвонлардан бошқа нарса-предметларга нисбатан ҳам қўлланилишига асос бўлган. «Девон»да *кэјік сөгўт* «ёввойи дарахт» сифатида изоҳланади

¹¹ Бу ҳақда қаранг: Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону луғоти-т-турк) [3 жилдлик]. I жилд. Нашрга тайёрловчилар: А.Рустамов, Ҳ.Болтабоев. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2016. –Б.72.

¹² lexicography. online. Этимологический онлайн-словарь русского языка Макса Фасмера. Дата обращение: 28.04.2020

(Ш,114). Яна шунингдек, *кэјік* лексемасининг *кіші* сўзи билан бирикиб (*кэјік кіші*), «сувда яшашига ишониладиган одам шаклидаги бир оёкли хайвон» маъносини ифодалашади ҳам кўрсатилади. Ш.Эгамованинг таъкидлашича, лексеманинг «вахший, ёввойи хайвон» семаси XIV аср обидаларида ҳам сақланиб қолган (Таржумон, 14-2). Полисемантик сўзнинг маъно торайиши жараёнига учраши, яъни қадимги туркий ва эски туркий тилда у ифодалаган бир қатор семаларнинг Навоий тилида бошқа лексик бирликлар томонидан англашилиши натижасида фақат бир маъно – «кийик, оху»ни билдириш учун хосланганининг гувоҳи бўламиз¹³.

Демак, қадимда «хайвон, жонивор», «ёввойи хайвон», «эти ейилладиган оху, бузу, архарлар», «кийик», «тоғ эчкиси», «ёввойи бўлган ҳар бир нарса», «сувда яшашига ишониладиган одам шаклидаги бир оёкли хайвон» маъноларини ифодалаган *кэјік* лексемаси ҳозирги ўзбек адабий тилида фақатгина «қувуш шохли сутэмизувчилар оиласининг оху, буғу ва ҳоказолар каби катта бир гуруҳининг умумий номи» (ЎТИЛ, II, 364) маъносида қўлланади. Шунингдек, ҳозирги ўзбек тилида бу лексема *кийикўт* қўшма сўзи таркибида ҳам мавжуд. Кийикўт «ялпиздошлар оиласига мансуб, бир ва кўп йиллик хушбўй доривор ўсимлик» (ЎТИЛ, II, 364).

кэјік лексемасининг «сувда яшашига ишониладиган одам шаклидаги бир оёкли хайвон» маъноси мифологияга оид қараш бўлиб, қадимда Гопатшоҳ, Минотавр, Кентавр, Гавомард, Ганеш (Ҳиндистон) каби махлуқлар ҳақидаги афсоналарнинг пайдо бўлиши тотемизм билан боғлиқ, бир-бирига яқин шароитда юзага келган. Манбаларда ҳамма вақт сув соҳилида ўтириб худоларга назр-ниёз қиладиган, танасининг ярмигача хўкиз, белидан юқориси одам шаклидаги чўпон Гопатшоҳнинг ватани Хоразм эканлиги, Британия музейида сақланаётган Амударё хазинасидаги узукка унинг тасвири ишланганлиги, Гопатшоҳ култи Эронийларда сувни илоҳийлаштириш билан боғлиқ эканлиги ҳақидаги фаразлар илгари сурилади¹⁴.

Диссертацияда, шунингдек, *јілқі, сіғір, қісір, эрўк, алқіш, амач, кёсёк, йўң, эркёк, кёл, қішлағ, јајлағ, тағар, азёл* каби лексемалар доирасида юз берган маъновий ўзгаришлар таҳлил қилинган ҳамда «Девон»даги от лексемаларнинг сўз туркумлари бўйича ва от лексемаларнинг ифодалаган маъносига кўра лингвостатистик таҳлили амалга оширилган. Таҳлил натижалари иловаларда акс этган.

Диссертациянинг «Девону луғотит турк»даги от лексемаларнинг **функционал-семантик хусусиятлари** деб номланган иккинчи боби мазмуни 8 фаслда баён қилинган. Бобнинг «Ономастик бирликлар парадигмаси» деб номланган биринчи фаслидан «Девон»да қўлланган

¹³ Эгамова Ш. Алишер Навоий асарлари тилидаги қадимги туркий лексика тадқиқи (структур-грамматик, функционал-семантик аспектларда). Филол.фан.номз. ...дисс.автореф. –Тошкент, 2007. –Б.18.

¹⁴ Бу ҳақда қаранг: Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб (Қадимий давр ва ўрта асрлар маданий алоқалари). – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. –Б.11-14.

антропоним ва топонимлар тадқиқига доир тафсилотлар ўрин олган. «Антропонимларнинг инсон хоҳиши ва фаолияти билан боғлиқ эканлиги, уларда инсоннинг эҳтиёжи ва ижоди намоён бўлиши, инсон номида қадимий давр кишиларининг маданий-маънавий ва этник қарашлари ўз ифодасини топганлиги, умуман, исмлар халқнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий-маиший турмуши билан боғлиқ эканлиги»¹⁵ «Девон»да қўлланган антропонимларда ҳам яққол кўзга ташланади. Исмларда инсонларнинг фарзанд билан боғлиқ орзу-умидлари ифодаланган. Маълумки, туркий халқларда ботирлик, жасурлик, енгилмаслик каби хислатлар улуғланган, бу хусусиятлар исмларда ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, *آتیش Amīsh* (I,60) антропоними «отиш, отишма» маъносини англатувчи *امیش Amīsh*, *آتیش Ūtūsh* (I,60) антропоними «ўйинда ютиш» маъносидаги *ūtūsh*, *تۇتۇش Tutūsh* (I,246) антропоними «олишиш, тортишиш» маъносидаги *тутуш*, *توقش Тоқūsh* (I,247) «жанг» маъносидаги *тоқūsh*, *بۇلغاق Булгақ* (I,310) «шовқин-сурон, саросима» маъносидаги *булгақ*, *سۇنكىش Сўңиш* (III,241) «уриш, узоқлатиш; найза билан уриш, жанг қилиш» маъносидаги *сўңиш* сўзидан ҳосил қилинган. Кўринадики, бу исмларга ота-онанинг фарзандининг юрт озодлиги учун бўладиган урушларда қатнашиши, душманни саросимага солиши ва жангда ғолиб чиқиши ҳақидаги ниятлари мотив қилиб олинган.

Туркий, жумладан, ўзбек халқининг ўтмишига оид ёзма манбалар топонимик материалга бойлиги билан характерланади¹⁶. «Девон»да ҳам жой номлари жуда катта макротизимни ташкил этади. Асарда қўлланган топонимлар функционал-номинатив кўламига кўра қуйидагича таснифланади: мамлакат, вилоят, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ, қалъа, кўрғон, довон, водий, дара, чўкки, тепалик, яйлов, боғча номлари. Шунингдек, асарда қўлланган топонимларни луғавий-маъновий хусусиятларига кўра қуйидагича гуруҳлаш мумкин: 1) уруғ-қабила номлари асосида юзага келган этнотопонимлар: *Јағма*, *Кифчақ*; *Тўрк*; *Ујғур*; 2) ҳайвон ва қуш номлари асосида юзага келган зоотопонимлар: *Азғ*, *Қочқар баші*, *Тауушган өкүз*, *Қашга буғра*; *Қарғалиғ*; 3) ўсимлик номлари асосида юзага келган фитотопонимлар: *Ақ тэрәк*, *Ала јғач*; 4) ернинг рельеф шакллари асосида юзага келган геоморфологик топонимлар: *Қавақ арт*, *Бадал арт*, *Торғ арт тиз* каби.

Иккинчи бобнинг кейинги фасли «От лексемаларнинг макон ва замонга оид категориал белгилари» деб номланган. Локалик семаси марказий сема ҳисобланадиган лексемалар «Девону луғотит турк»да ҳам кенг қўлланган бўлиб, улар инсонларнинг яшаш жойини ифодаловчи, географик объектлар билан боғлиқ, сув иншоотлари билан боғлиқ, ўсимликлар билан боғлиқ, қушлар билан боғлиқ, махсулотлар турадиган, сақланадиган ва тайёрланадиган жой маъноли локал лексемалар каби гуруҳлар асосида

¹⁵ Бегматов Э. Антропонимлар – антропоцентрик тадқиқ объекти // Ўзбек тили ва адабиёти. 2013. №3. –Б.37.

¹⁶ Турдибеков М. Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажарайи турк» асари ономастикаси. Филол.фан.номз. ...дисс. автореф. –Тошкент, 2001. –Б.14.

тахлил қилинган. Қорахонийлар даври тилида локал лексемаларни ҳосил қилишда *-лағ*, *-лиқ*, *-луқ* каби аффикслардан ҳам фойдаланилган. Масалан, *تُرغلاغ* *туруғлағ* «турар жой» (I, 329), *قَشْنَلَاغ* *қйишлағ* «қишланадиган жой» (I, 308), *قَشْنَلِيق* *қйишлиқ* «қишлик уй» (I, 314), *قُونُقْلُق* *қонуқлуқ* эш «зиёфат уйи, кўнокли уй, меҳмонхона» (I, 332) ва ҳ.к.

«Девон»да вақт маъноли лексемалар ҳам кенг қўлланган. Туркий халқларда ўн икки йил ўн икки хайвон номи билан аталган: *سِچغان* *јілі* «сичкон йили», *اُد* *јілі* «сигир йили», *بَرْس* *јілі* «барс (коплон) йили», *تَقَشْنَان* *јілі* «қуён йили», *نَاك* *јілі* «тимсоҳ йили», *جِلَان* *јілі* «илон йили», *يُنْدُ* *јілі* «от йили», *قَوِي* *јілі* «қўй йили», *بِجْن* *јілі* «маймун йили», *تَقَاغُو* *јілі* «товуқ йили», *اِت* *јілі* «ит йили», *تُونُوز* *јілі* «тўнғиз йили» (I,234). Турклар бу йилларнинг ҳар қайсисида бирор хикмат бор, деб тахминлайдилар: масалан, уларча, сигир йили бўлса, уруш кўп бўлади, чунки сигир бир-бири билан сузишадиган хайвон. Тovuқ йили кирса, озиқ-овқат кўпаяди, лекин одамларда ташвиш ортади. Чунки товуқнинг овқати дон бўлиб, уни топиб ейиш учун нарсаларни титиб юради. Тимсоҳ йили кирса, ёғингарчилик ва ҳосил кўп бўлади, чунки у сувда яшайди. Тўнғиз йили кирса, совуқ қор ва фитна кўп бўлади. Шунга ўхшаш, ҳар йилга бирор тахмин юритадилар. Туркларда ҳафтадаги етти куннинг исми йўқ, чунки ҳафта исломдан сўнг шуҳратланди (I,234-235). Кўчманчи ва мусулмон бўлмаган турклар оиларни тўрт фасл билан атаганлар: *اَغْلَاق* *оғлақ* *aj*, *اَلْع* *улғ* *aj*, *اَغْلَاق* *улғ* *aj*, *اَغْلَاق* *ай* (I,235).

Иккинчи бобнинг учинчи фасли «Мато, кийим-кечак ва безак номлари» деб аталган. «Девон» қорахонийлар даври кишиларининг кийиниш маданияти ҳақида маълумот бериши билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. К.Шониёзов қорахонийлар давлатининг асосий таянч кучи бўлган қарлуқлар кийимларига доир қуйидаги маълумотларни келтиради: «Қарлуқлар даврида устки кийимлар, асосан, жун иплардан тўқилган матолардан тикилган. Юқори табақадаги (хоқон, хон, бек ва б.) кишиларнинг кийимлари кўпинча ипакли матолардан тикилган. Ипак матолар Мовароуннаҳрдан ва Шарқий Туркистон орқали Хитойдан келтирилган. Устки кийимлар ихчам, танага ёпишиб турадиган қилиб бичилган, бел чарм ёки махсус (ипдан, ип аралаш ипақдан) тўқилган камар билан безатилган. Авом халқ кўпинча жунли тўқималардан тикилган уст кийимлар кийиб, белларини жун ипдан ингичка тўқилган қур ёки чибчилган (қиррали қилиб тўқилган ип) билан боғлаб юрган. Совуқ пайтларда жун ипдан чакмон, астари юпқа кигиздан қилинган чайдам ва пўстин, ошланган теридан тикилган иссиқ иштон (дамбал) ва бошқалар кийилган. Туркийларнинг оёқ кийими (этиги) чармдан, таги унча қалин бўлмаган (тикиши юзага чиқарилган) ағдарилмасдан (устдан тикилган), учи тепага қайрилган бўлган»¹⁷.

¹⁷ Бу ҳақда қаранг: Абдулаҳатов Н ва бошқалар. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асаридаги лексик бирликлар тадқиқи. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. –Б.40-41.

Диссертацияда асарда қўлланган кийим номлари тананинг муайян қисмига тегишлилигига кўра бош кийим номлари, уст кийим номлари ва оёқ кийим номлари тарзида таҳлил қилинган. Кийим номларини, шунингдек, тайёр кийим ёки унинг учун асос эканлигига, мавсумий хусусиятига, қайси ижтимоий табақа ва тоифа кийими эканлигига ва қайси тилнинг ифода бирлиги эканлигига кўра ҳам ҳам ажратиш мумкин¹⁸.

Эркаклар киядиган «ошланган қоракўл теридан цилиндр шаклида тикилган бош кийим, телпак» (ЎТИЛ, 1.417) маъноси *بُورْك* *бўрк* «бўрк, қалпок, бош кийими» (I,236), *سُقْرُلُجْ بُورْك* *суқарлај бўрк* «узун қалпок» (I,326), *فُتْرَمَا بُورْك* *қотурма бўрк* «олдида ҳам, орқасида ҳам қайтармаси бўладиган қайтарма қалпок» (I,323) каби сўзлар билан ифодаланган. *سُقْلُقْ* *сувлуқ* // *сувлиқ* (II,104) «намозхон эркаклар бошга ўрайдиган узун, оқ мато – «салла» маъносини ифодалаган.

Аёллар бош кийимлари номларини англатувчи лексемалар сирасига қуйидагиларни киритиш ўринли: *سَرَ اَعْج* *сарағуч* «хотинларнинг бошга ёпинадиган нарсалари, рўмолчалари» (I,321), *بُورُنْچُكْ* *бўрүнчүк* «пешонабоғ, хотинлар рўмоли, дакана» (I,149; I,335); бир ўринда «бошга ўраладиган ёпинчик» (II,104); *دِدِم* *дидим* «никоҳ кечаси келинга кийдириладиган тож (қимматбаҳо тошлар ўрнатилган бош кийими» (I,267); *دِدَاك* *дидак* «келин кўчганда, юрганда бегоналардан яшириниш учун ёпинадиган нарса, паранжи» (I,274) ва бошқалар.

Асарда оёқ кийим номларини англатувчи бир қатор лексемалар ҳам аксини топган. Масалан, *جُرْكَانْجُو* *жўркәнжу* «пайтава» (II, 163), *узғуқ* «махсини аяб, устидан кийиладиган пайтава каби нарса» (I,63); *اَتِكْ* *этүк* бир жойда «этик» (I,64), бир ўринда «этик, маҳси» (I,159), *سَمْدَا* *самда* «оёққа кийиладиган сандал» (чигилларда, I,281), *اَتِكْ* *бўкүм этүк* // *مُكِم* *мүкім*, *مُكِن* *мүкін* «хотинлар киядиган этик, маҳси» (I,266) каби. «Қаттик хом теридан тикилган, асосан, тоғ аҳолиси киядиган оёқ кийими» маъноси *چَرُوقْ* *чаруқ* (I,255) ва *اِزْلِكْ* *излик* (I,88) сўзлари билан ифодаланган.

Уст кийим номлари ҳам асарда салмоқли ўрин тутади. «Девон»да *اَشْكْ* *эшүк* сўзи «уст кийими» (I,66) деб изоҳланган. Бу сўз «ёпмоқ, беркитмоқ» маъносини англатувчи *эшуді* феълидан ҳосил қилинган. У барча уст кийим номлари учун умумий сўздир. «Мўйнали ошланган теридан тикилган узун, иссиқ устки қишлик кийим» (ЎТИЛ,III,330) маъноси «Девон»да турли лексемалар орқали ифодаланган. Масалан, *كُورْك* *көрк* сўзи «мўйна, пўстин» дея изоҳланган бўлса (I,237), пўстиннинг қайси хайвон терисидан тайёрланганлигига қараб, номлари фарқланган. Оқ сувсар терисидан тайёрланган пўстин *اَزْ* *а:з* // *а:с* *аз* (I,72); қўзи терисидан қилинган пўстин *اِچْمَاك* *ичмак* (I,87); самур, олмахон ва бошқа хайвонларнинг терисидан қилинган пўстин *اِچْك* *ичүк* деб номланган (I,64).

¹⁸ Умарова Н. Алишер Навоий асарларининг лисоний-концептуал тадқиқи. Филол.фан. доктори дисс. автореф. –Фарғона, 2021. –Б. 18.

«Девон»да жанг кийимлари ҳам алоҳида бир гуруҳни ташкил этади. *أَشُقْ ashuq* «темир қалпоқ, дубулға» (I,63), *يَرِقْ jarıq* жангларда кийиладиган темир кўйлак (зирех, III,12), *كُبا يَرِقْ kübä jarıq* «темир кўйлак» (III,12), *ساي يَرِق saı jarıq* «баданга кийиладиган совут» (III,12) кабилар шулар жумласидандир.

Иккинчи бобнинг «Глюттоник лексика» деб номланган тўртинчи фаслида «Девон»да акс этган озиқ-овқат номлари таҳлил қилинган. Одам пайдо бўлибдики, озиқ-овқат – унинг кундалик эҳтиёжи, яшаш учун курашишини таъминловчи асосий восита. Инсоният эволюциясининг дастлабки поғоналаридаёқ индивид ҳар куни юзлашадиган физиологик ҳодисага айланиб улгурган таом тайёрлаш ва уни истеъмол қилиш жараёни тилдаги муайян лисоний «худуд»ни эгаллайди. Ҳар бир миллатнинг ОМЛМ да «таом» концепти алоҳида ўрин тутди¹⁹. «Девон»даги глюттоник лексика озиқ-овқат номларини умумий тарзда ифодаловчи сўзлар, таом турларига оид номлар, ичимлик номлари, сут маҳсулотлари номлари, гўшт маҳсулотлари номлари, ширинлик номлари, озиқ-овқат номлари билан алоқадор сўзлар каби маъновий гуруҳларга ажратиб таҳлил қилинган. Луғатда таом номлари алоҳида изоҳланган: *تُرْمَاكْ түрмак* «тухум ва гўштан тайёрланадиган овқат» (I, 315), *يَغْ بَسَن يَغ басан // يَغ بَسَن йуг басан* «ўлик кўмилгандан кейин ейиладиган таом», *أَغْلَاقْ углоқ* «овқат номи», *بُلْغَمَا булғамма* «ёғи ҳам йўқ, мазаси ҳам йўқ ёвғон ош» (I,324), *بُلْدُونِي булдуни* «ичига узум ёки майиз солиб тайёрланадиган сутли овқат» (канжочка, I,325), *كُرْشَاكْ кўршак* «тарик, кўноқларнинг мағзини айириб, сув ёки сутга қайнатиб, сўнг устига ёғ қуйиб ейиладиган овқатнинг номи» (I,317), *اَوْرُورِي авзури* «буғдой, арпа уни аралаштириб тайёрланадиган овқат», *مُنْ мун* «шўрва; яғмоларда «угралик шўрва», I,231), *تُورْمَاك-تُورْمَاك* «чарвига ўраб пишириладиган ҳозирги дўлма каби бир овқатнинг номи» (II,73), *سَوْكُلُونچۇ* «кабоб» (II,206) каби.

Илк давр туркий тилда ҳам анатомик ва физиологик атамаларнинг асосини ташкил этадиган одамнинг танаси ва ички аъзоларининг номлари тил луғат таркибининг энг қадимги қатлами сифатида фаол қўлланишда бўлган. Бу қатлам анатомик тушунчаларнинг бутун мажмуасини қамраб олади ва тиббий терминологиянинг ҳам умумий тушунчаларини ташкил этади. Ишнинг «Инсон тана аъзолари номлари (соматизмлар)» деб номланган қисмида мазкур гуруҳга оид лексемалар инсоннинг қайси тана аъзосига тегишлилигига кўра лексик-семантик гуруҳларга бўлиб таҳлил этилган.

Иккинчи бобнинг олтинчи фасли «Тиббий истилоҳлар» деб номланган. Инсон ўзининг инсонлигини билибдики, «яшаш учун кураш» қонунига амал қилиб келган: егулик ахтарган, уй-жой қурган, бола-чақали бўлишни истаган, тинмай меҳнат қилган, интилишда бўлган. Табиатнинг инжиқлиги деймизми, эҳтиётсизлик деймизми ёки бошқа бирор сабаб биланми, инсон ҳам хасталанган ва дардига даво излаган. Хуллас, ҳозирда ривожланиш чўққисига

¹⁹ Одилова Г. Хусусий дискурслар лингвомаданий талқинининг назарияси ва амалиёти (глюттоник дискурс мисолида). Филол.фан.д-ри (DSc) ...дисс. автореф. – Фарғона, 2020. –Б.14.

кўтарилган тиббиёт ўзининг кўп асрлик тарихига эга. Бу эса тиббиётга оид терминларнинг узок-узок ўтмишдаёқ шакллана бошлаганидан ва эндиликда юксалиш поғонасига етиб келганидан далолат беради²⁰. «Девону луғотит турк» асарида қўлланган тиббиётга доир от лексемаларни шахс номлари, касаллик номлари, тиббиёт асбоб-анжомлари номлари, касалликларни даволашда ишлатиладиган нарса номлари, дори-дармон номлари, доривор ўсимлик номлари каби лексик-семантик гуруҳларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Шахс номлари гуруҳига табиблар, эмчилар, соҳа ходимлари ва касалликка чалинган беморларни ифодаловчи лексемалар киритилади. Луғат сўз бойлигида касб-кор, машғулот турининг доимий белгисини ифодаловчи шахс номларидан *امچى эмчи* (II, 45), *отачи* (I, 299) ва *атасагун* сўзлари қўлланган бўлиб, бу сўзлар «табиб, касалларни даволовчи шахс» семемасига эга. «Қутадғу билиг» матнида ҳам *otači* «табиб, даволовчи» маъносида қўлланган: *Ular da birisi otači turur, qatıy ig toyaqa bu emči erur* – Улардан бири табиб(лар)дир, ҳамма касаллик, рух оғирлигига улар эмчилардир (ҚБН, 4252; 157b5). Ушбу дериват соф туркий бўлиб, *ota*= «даволамоқ» феълига *-či* шахс оти ясовчи кўшимча кўшиш орқали ясалган. *Otači ot* «дори» асосидан ясалган. *Otači* «табиб»нинг фаолияти беморни доривор ўт, гиёҳ билан даволашга асосланган»²¹.

Касалликка чалинган беморлар номларини англатувчи лексемаларга *اىكلىك iklik* «касал» (I,192), *سۆگال sögal* «касал, бемор» (ўғузча, II, 265), *تۇوا mälwä* «девона, телба» (II,286), *قاراغۇ qaraғu* «кўр киши» (II,297), *جۇمارىك كىشى jümäryk kishi* «кўзи хира ва кўзидан ёш оқиб юрадиган киши» (II,322) кабиларни киритиш мумкин.

Касаллик номлари: *كۆزىك көзёк*, «безгак, титратиб турувчи иситма», *بۆزёк bözёk* «титроқ, ларза; безгак» (I,259), *يۇتۇك yütük* «ич кетиш ва қусиш касали» (I,64), *سارىغ كۆزىك sarıg közёk* «сарик касаллиги» (I,263), *анумі* «мохов касаллиги» (I,109), *تۇماغۇ tumaғu* «тумов» (I,298), *قىزلامۇق qızlamuq* «қизамиқ ва шунга ўхшаш тошиб чиқадиган тошмалар» (I,344) ва бошқалар.

Тиббиёт асбоб-анжомлари *ارقاقۇق arqaquq* «оғизнинг ичига дори қуйиш учун қўлланадиган, сукурражага ўхшаш ичи ковак бир асбоб» (I,114), *بۆلىك bölik* «яранинг чуқурлигини текшириб кўриш учун қўлланадиган учак/ ичак ёки резина асбоб» (II,259), *سۆرғо sorғu* «қортиқ [қон олишда қўлланадиган асбоб]» (I,285) каби истилоҳлар билан аталган.

Касалликларни даволашда ишлатиладиган нарса номлари микро гуруҳи *أرۇمداى urumdaı* «заҳарнинг зарарини йўқотиш учун ишлатиладиган тош» (I,123), *كۆзлюк көзлюк // كۆزлюك көзүлдүрүк* «от думидан тўқилган, кўз

²⁰ Қосимов А. Тиббий терминлар изоҳли луғати. 4 жилдли. I жилд. –Тошкент: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. 2003. –Б.3.

²¹ Холмурадова М. «Қутадғу билиг» лексикаси. Филол.фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) ...дисс.автореф. – Тошкент, 2019. –Б.15.

оғриганда, шамоллаганда ва нурдан камашганда кўзга тақиладиган нарса» (I,317) кабилардан иборат.

Дори-дармон воситалари номлари: *إم* эм «даво, дори» (I,45), *اكت* *эгит* «ярадан, шунингдек, кўз тегишидан саклаш учун болаларнинг юзига суртиладиган бир дори» (I,54); *ايزك* *ибрук* «қатик билан сутнинг аралаштирилгани; куртоба ичишдан ичи қотган одамга сурги учун бериладиган дори» (I,86); *چورنى* *чурни* «турк табиблари томонидан ясаладиган сурги дори» (I,290); *چگنا* *чигна* «сурги» (яғмоча, I,290); *كاکتنن* *кэкуш* «шишга суриладиган бир турли даво» (I,274); *ارقي* *ірви* «касалларни даволашда қўлланувчи ҳиндча бир дорининг номи» (I,103) *أراغون* *урагун* «касалларга қўлланадиган ҳиндча бир дори» (I,110) ва х.к.

Доривор ўсимлик номлари: *اكر* *эгир* – *игир* // *ийир* «қорин оғриғини даволаш учун қўлланиладиган ўсимлик» (I,56), *اسرق* *исриқ* // *илрук* (уч кабиласи тилида) «исирик; болаларнинг бошларига тошадиган яраларни даволашда ҳамда уларни кўз тегишидан асрашда ишлатиладиган доривор ўсимлик» (I,85), *چخشو* *чахшу* «кўз оғриғини даволашда қўлланиладиган хузаз ўсимлиги» (I,284), *تفغاج يداسی* *тафғач јудасі* «дори сифатида ишлатиладиган барги савсан гулининг барглариға ўхшаш бир дарахт» (I,302), *اقلقو* *авилқу* «пўстлоғи билан кўз оғриғи даволанадиган қизил мевали бир дарахт» (I,322), *تۇبۇلغاق* *тубулгақ* «тўпалок, доривор ўсимликлардан бири» (I,330) кабилар.

Иккинчи бобнинг еттинчи фасли ўсимлик номлари (фитонимлар)лар тадқиқига бағишланган. Ўсимликлар қадимги туркийлар ижтимоий ҳаётининг ажралмас бир қисми сифатида намоён бўлади. Улар ўсимликлардан озиқ-овқат маҳсулоти сифатида, касалликларни даволашда ва чорва молларига озуқа сифатида кенг фойдаланганлар. «Девон»да қўлланган «ўсимлик» интеграл семали лексемалар дарахт номлари, ўт номлари, донли экинлар номлари, полиз экинлари номлари, сабзаотлар номлари, саноат экинлари номлари каби лексик-семантик гуруҳларга ажратиб таҳлил қилинган.

«Уруғ, тухум; дона; бошоқли ва дуккакли ўсимликлар маҳсулининг бир донаси; шундай маҳсул мажмуи, йиғиндиси» (ЎТИЛ, I, 642) маъноси *бәнак* (арғу ва баъзи тилларда) – *эвин* – *таріғ* синонимлари орқали ифодаланган. «Бошоқдошлар оиласига мансуб бир йиллик ғалла ўсимлиги ва унинг оқлаб сўк қилинадиган майда дони» (ЎТИЛ, III, 682) маъноси ҳозирги ўзбек адабий тилида *таріғ* лексемаси билан ифодаланади. Эски туркий тилда *таріғ* 1) кўпчилик турк кабилаларида «буғдой» маъносида; 2) ўғузлардагина тарик маъносида; 3) юқорида таъкидланганидек, «дон, уруғ» маъноларида қўлланган. Шунинг учун бу фитоним ҳар бир маъносида бошқа-бошқа сўзлар билан синонимик қаторга киришади. *Таріғ* сўзи турк кабилаларида «буғдой» маъносида қўлланганда ўғузларнинг худди шу маънодаги *ашлік* сўзи билан синонимик қатор ҳосил қилади. *Ашлық* сўзи Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларида «дон, ғалла» маъносида ишлатилади, унинг қирғиз. *аштык*, татар. *ашлык* каби вариантлари мавжуд. Ўзбек адабий тилида *ашлық* (егулик) нофаол лексика таркибига кирган. Аммо у Қорақалпоғистондаги ўзбек

шеваларида фаол ишлатилади²². «Девон»да *tarig* сўзи «тарик» таъносида қўлланганда *فُنَاقٌ қонақ* ва *اُكْرُ* *ўғур* сўзлари билан синонимик муносабатга киришади; *اُكْرُ* *ўғур* сўзи туркчада «тарик» маъносини ифодалаган, лекин ўғузлар бу сўзни билмаганлар; *ياغ اُكْرِي* *jaғ ögüri* дейилганда ўғузлар кунжутни тушунганлар (I,57). *تَرْغ* *tarig* сўзи «дон, уруғ» маъносида қўлланганда эса юқорида айтилганидек, *бәнәк* ва *эвин* сўзлари билан синонимик қатор ҳосил қилади. Демак, бу синонимик қаторларни қуйидагича ифодалаш мумкин: *tarig* – *ашлік*; *tarig* – *қонақ* – *ўғур*; *tarig*– *бәнәк* – *эвин*.

Иккинчи бобнинг саккизинчи фасли «Ҳайвон, қуш ва паррандалар номлари (зоонимлар) ҳамда мотивацияси» деб номланган. Минг йиллар давомида тилда яшаб келаётган ҳайвон, қуш ва парранда номларини туркий халқларнинг турмуш тарзи тарихини холисона акс эттирувчи ўзига хос омил сифатида баҳолаш мумкин. Ҳайвон номларининг инсонларнинг яшаш шароитлари билан боғлиқ ҳолатда турли ҳудудларда турлича кўринишлари мавжуд бўлиб, туркий халқлар тарихига, тилига оид «Девону луғотит турк» асарида ҳам туркийлар яшаган ҳудудларга оид ҳайвон номларининг бой терминологиясини учратамиз. Асарда қўлланган ҳайвон номларини ифодаловчи терминларнинг ўзбек тили лексик сатҳида тутган ўрнини аниқлаш, уларни лексик-семантик жиҳатдан тасниф қилиш, шунингдек, мазкур сўзлар ўртасидаги мазмуний муносабатларни ёритиш тарихий «лексик сатҳнинг системавий хусусиятларини очиб беришда яқиндан ёрдам бериши табиий»²³.

Маълумки, объектив борлиқ нарса-ҳодисалари номланганда шу нарса-ҳодисаларнинг айрим жиҳатлари ном (сўз) ва унинг маъноси учун асос вазифасини ўтайди. Сўз маъноси учун асос бўлган бу жиҳат «ички форма» деб юритилади. Масалан, *қизилиштон* номи билан юритилувчи қуш бор. Унинг қорнидан пастки қисми қизил рангда бўлганлиги учун бу ранг шу қушнинг номи ва унинг маъноси учун асос вазифасини бажарган²⁴. «Девон»да бу қуш *көти қизлақ* тарзида берилган, муаллиф унинг думи қизил бўлишини алоҳида таъкидлаган: *قِرْلَاق* *көти қизлақ* – қизилиштон. Унинг думи қизил бўлади (I,314). *көти қизлақ* тарзидаги ифоданинг *қизилиштон* сўзига айланишида эвфемизация ходисасини кўришимиз мумкин. Чунки айтилиши ва эшитилиши ноқулай бўлган зооним ўрнида унинг маъносига яқин бўлган бошқа бир муқобил қўлланган. Номлаш учун асос бўлган «қизил» семаси эса сақланган.

Диссертацияда «Девон»да қўлланган лексемалар орасидаги гипогиперонимик, партонимик, градуонимик, функционимик муносабатлар ҳам таҳлил қилинган. Асарда қўлланган *قُلُن* *қулун* «бир ёшга тўлмаган тойча,

²² Ибрагимова З. Қорақалпоғистон ўзбек шевалари қишлоқ хўжалиги лексикаси («Ўзбек диалектологияси» курсидан материаллар). –Тошкент, 2012. –Б.42.

²³ Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини система сифатида тадқиқ этиш. Филол.фан. доктори дисс. автореф. –Тошкент, 2005. –Б. 27.

²⁴ Бердиалиев А., Хидиров Р. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Хўжанд: Раҳим Жалил, 2013. –Б.15.

тойчок» (I,271) – *taj* «отнинг икки яшардан кичик боласи» (I,152) – سبب *сiб* «икки ёшли тойча» (I,218) – أَكْ أَثْ *өг ат* «тўрт ёшдан ошган от» (I,52) парадигматик каторидаги лексемалар луғавий маъносига кўра, яъни «ёшдаги фарк» семасига кўра даражаланган. Шунинг учун улар ўзаро градуонимик муносабатга киришади.

«Функционим атамаси остида денотатларнинг ўзаро бир хил ёки яқин вазифа бажариши асосида ҳосил бўлган сўзлар катори тушунилади. Маълумки, денотатларнинг фаолиятидаги бир хиллик ёки ўзаро ўхшашлик уларнинг номларини ифодаловчи сўзлар орасидаги лексик-семантик алоқадорликка асос бўлади²⁵. Масалан, ҳарбий истилоҳлар гуруҳига оид қилич «қилич» (II, 163), сўнў «найза» (II, 173) сўзлари функционимлардир, чунки бу икки сўз атаган денотатнинг ҳар бири ҳам ҳарбий қуролдир. Улар ёвга шикаст етказиш учун хизмат қилади.

Диссертациянинг учинчи боби «Луғатдаги от лексемаларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари» деб номланган. Мазкур бобнинг биринчи фаслида «Девон»да шаклдош сўзларнинг берилиши» ҳақида фикр юритилган. Асарда лексик омонимлар шаклий ўхшаш бўлган бир неча сўз сифатида эътироф этилган. Шунинг учун ҳам бундай сўзлар алоҳида мақола тарзида берилган ва изоҳланган. Луғатда бир омонифода остига иккитадан бештагача от туркумига хос омонимнинг бирлашувини кузатиш мумкин. Асарда иккита сўзнинг омонимлиги жуда катта миқдорни ташкил этади.

Диссертацияда қорахонийлар даври тилидаги лексик омонимларнинг манбалари кўрсатилган: сўзларнинг фонетик ўзгариши натижасида воқеланган лексик омонимлар, деривация йўли билан ҳосил қилинган омонимлар, ўзга тиллардан сўз ўзлаштириш натижасида содир бўлган омонимлар, сўзларнинг семантик таракқиёти натижасида ҳосил бўлган лексик омонимлар каби. Сўзларнинг фонетик ўзгариши лексик омонимларни юзага келтирувчи манбалардан биридир. Аслида ҳар хил талаффузли, фонетик структураси фарқли бўлган сўзларнинг бир хил талаффуз этиладиган бўлиб қолиши натижасида омонимлар юзага келади. Махмуд Кошғарий أَثْ *от* (ўт) сўзини қуйидагича изоҳлайди: أَثْ *от* I ўсимлик: *от* ўнди – ўт унди, ўт ўсди; *от* II ҳайвонлар ейдиган ҳар турли ўт, хашак: *атқа от бэргил* – отга ўт [хашак] бергил; أَثْ *от* III дори, даво: *от ичтим* – дори ичдим; أَثْ *от* IV оғу, захар: *бэг аңар от бэрдi* – бек унга захар берди (I,43).

Тарихий маълумотларга кўра, «олов» маъносидаги *от* сўзи тамоман бошқа ўзакдир. Махмуд Кошғарий бу сўзнинг аслини أَرْتْ *өрт* деб кўрсатади: *өрт* – «ўт, ёнғин» (1.48). Шунинг учун ҳам луғатда *от* сўзининг омонимик қаторлари кўрсатилганда أَرْتْ *өрт* сўзи берилмайди. Туркий тиллар хусусиятига, айрим кўмакчиларни ҳисобга олмаганда, сўз охирида икки ундошнинг қатор келиши хос эмас. Бундай қўлланиш нутқ органи учун ҳам маълум ноқулайликларни туғдиради. Шу сабабли тарихий таракқиёт

²⁵Сафарова Р. Лексик-семантик муносабатнинг турлари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1996. –Б.21.

даврида сўз таркибида товуш тушиши юз берган, яъни: *ört* → *öt*. Кейинчалик *ö* унлисининг юмшоқлик белгиси йўқолиши натижасида *öt* сўзи *ot* шаклига келган ва бу сўз ўсимлик маъносини ифодаловчи *ot* сўзи билан омонимик муносабат ҳосил қилган. *От* сўзининг «дори, даво»; «заҳар» маънолари эса истеъмомдан чиққан.

Алишер Навоий асарларида «олов» маъносидаги *üt* сўзи *ürt* ва *üt* шаклларида қўлланган: *Кўзида сув валекин жонида үрт, Бўлуб ҳар сори боқмоқдин кўзи тўрт* («Фарҳод ва Ширин»). Шунингдек, *ört* (*ürt*) сўзидан ясалган *үртамоқ* феъли ўз маъносида («қуйдирмоқ, ёндирмоқ») ва кўчма маънода («азобга солмоқ, жабр кўрсатмоқ») қўлланган²⁶.

«Девон»да изоҳланган, XI аср туркий қабилалар тилида кенг қўлланган омонимлардан бири *көк* лексемасидир. Махмуд Кошғарий бу лексеманинг қуйидаги маъноларини кўрсатади: *كۆك* *көк* I «осмон»; *көк* II «кўк ранг»; *көк* III *көнд көкі* «шаҳар қораси» (Олмаота нашрида «шаҳар тевараги») – «шаҳардаги кўк дарахтлар» (III, 89); *көк* IV «эгар чилвири»; *көк* V «асл, томир, таг» (II, 187). Асар таркибида *көк* лексемаси иштирок этган бир нечта мақоллар мавжуд. Масалан: *Көккә сўзса, жүзгә тўшүр* – осмонга тупурса, юзга тушар (III, 89). Бу мақол таркибида *көк* лексемаси «осмон» маъносини ифодалаган. *Эр сөзи бир эзәр көкі үч* «Киши бир сўзли, қайтмайдиган бўлади, эгар чилвири учта бўлгандай, унинг ҳам, бунинг ҳам камайиш-кўпайиши ишни бузади» мақолида эса у «чилвир» (*эзәр көкі* – эгар чилвири) маъносини аңлатган (II, 187). *Көк көрді кәрәгү жазті* – меҳнат-машаққатни кўрди-ю, ўтовини орқасига юклаб олди (I,299) мақолида *көк* лексемаси «меҳнат, машаққат, қийинчилик» каби маъноларни ифодалаб келган. Шунингдек, *أچلدی* *ачıldі* сўзига берилган изоҳда *көк ачıldі* «иш очилди, маълум бўлди» гапи ҳам келтириладигани, бунга асосланганда, *көк* сўзининг «иш» маъноси ҳам борлиги аён бўлади. Махмуд Кошғарий бу ифода ҳаво очилишига нисбатан ҳам қўлланилганини таъкидлаган (I,144). Асарда *Көк тәмүр кэрү турмас* – кўк темир бекор турмайди мақоли ҳам қўлланган бўлиб, унда *көк* сўзи *тәмүр* сўзи билан бирикиб, «темирдан ясалган ўткир буюм (қилич)» маъносини аңлатган. *Көк кірсүн, қізіл чіқсун* мақолида (I,242) ҳам *көк* сўзи *көк тәмүр* «кўк темир» бирикмасининг тежамлилигига хос нуткий ифодасидир. Демак, «Девону луғотит турк»да *كۆك* *көк* лексемаси қуйидаги маъноларни ифодалаган: *көк* I «осмон»; *көк* II «кўк ранг»; *көк* III «шаҳар қораси»: *көнд көкі*; *көк* IV «меҳнат-машаққат»; *көк* V «чилвир»; *көк* VI «иш»; *көк* VII «асл, томир, таг, яъни уруғ-авлод». ДТСда ҳам *көк* сўзи омоним сўз сифатида берилган ва унинг ўн битта маъноси кўрсатилган (ДТС, 312-313).

Диссертацияда мавзуга доир турли луғатларга таянилган ҳолда асарда омоним сифатида изоҳланган, аслида полисемантик бўлган *أوكا* *өнкә* (I,103),

²⁶ Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик, III том. –Тошкент: Фан, 1984. –Б. 612-613.

ازقا *арқа*, بَتَاك *bitik* (I,258), اَرَقِيش *арқиш* (I,83), بِيستِيك *бістік* (I,315) каби бирликлар моҳиятига ҳам эътибор қаратилган.

Учинчи бобнинг иккинчи фасли «Синонимлар туркий тиллар бойлигини кўрсатувчи восита сифатида» деб номланган. Ушбу фаслда луғатдаги шахс ва нарса-ҳодиса денотатли от лексемалар таҳлил этилган.

«Девон»да «хотин, аёл» маъноси *iulär – урагут – тиши – эвлүк – қатун – кіс – қазуз – охшагу* сўзлари оркали ифодаланган бўлиб, бу синонимик қатордаги сўзлар айрим семалари билан фарқланади. Масалан, *урагут, iulär, кіс* сўзлари «ҳар қандай аёл жинсига мансуб шахс» маъносини ифодаласа, *эвлүк, қазуз* сўзларида «эр кўрган аёл, жувон» семаси аниқ кўриниб туради. *Қатун* сўзи, Маҳмуд Кошғарий изоҳига кўра, Афросиёб қизларидан бўлганларнинг номини англлатган. Манбаларда таъкидланишича, бу сўз дастлаб «юқори мартабали кишининг умр йўлдоши» маъносини англлатган; маъно таракқиёти натижасида умуман «бирор эркак кишининг умр йўлдоши» маъносини ва бошқа маъноларни англата бошлаган (ЎТЭЛ, I, 402). اُخْشَاغُو *Охшагу* сўзи аслида «ўйинчиқ» маъносини англлатиб, у хотинларга нисбатан ҳам қўлланган (I,110). Ҳ.Дадабоев юқоридаги синонимик қатор ҳақида шундай ёзади: «Завжа, уй бекаси» маъноси «Девон»да *эвчи – эвлүг – тишләр – тиши – урагут – қатун* синонимик қаторини шакллантирувчи лексемалар билан англашилган. Биринчи ва иккинчи лексемалар «уй, хонадон» маъносидаги *эв (эw)* сўзидан *-чи* ва *-лүг* аффикслари ёрдамида ясалган. Иккинчи лексеманинг *эвлиг* шакли ҳам айни маънони билдирган. Юсуф Хос Ҳожиб уни «эга, хўжайин» маъносида ҳам ишлатган (ДТС, 190). «Қисаси Рабғузий» асари тилида *эвлүг* «аёл, хотин, завжа»ни англатади. Учинчи лексема фақат «Девон»га оиддир. Унинг *иши* шакли Турфон матнларида, *ишләр* фонетик варианты эса «Олтин ёрук»да кўзга ташланади (ДТС,214-215). *Тиши* лексемаси қатордаги бошқа лексемалардан нафақат аёл жинсига, шунингдек, урғочи ҳайвонларга нисбатан қўллангани билан ҳам фарқ қилади. Лексеманинг мана шу хусусияти XIV аср эски туркий тил манбалари матнида ҳам сақланиб қолган. *Урагут* лексемасининг этимологияси ҳозирча номаълум бўлиб (баъзи олимларнинг фикрича, бу сўз «аёл, завжа» маъноли арабча *аврат* лексемасига алоқадор), дастлаб айнан «Девон»да қайд этилганлиги билан характерланади. Ушбу лексеманинг луғат матнида анча фаол қўллангани унинг XI асрда ўз мавқеини эгаллай бошлаганини кўрсатади. XIV аср обидалари тилида бу сўз анча фаоллашган. Эски ўзбек тилида *урагут* архаиклашиб қолган»²⁷. Олим *ägämlik* сўзини ҳам «аёл жинсига мансуб шахс» маъносини англлатганлиги учун юқоридаги синонимик қаторга киритади. Бизнингча, ундай эмас. Юқорида ҳам айтилганидек, *iulär – урагут – тиши – эвлүк – қатун – кіс – қазуз – охшагу* синонимик қаторидаги лексемалар «аёл жинсига мансуб ҳар қандай шахс» маъносини англатади. اِكْتَلِيك *ägämlik қарабаш* ифодаси эса хусусий маъно билдириб,

²⁷ Дадабоев Х. «Девону луғотит турк»нинг тил хусусиятлари. – Тошкент, 2017. –Б. 91.

факатгина «янга, яъни никоҳ кечаси келин ва куёвга хизмат қилишга буюрилган хизматчи» маъносини ифодалайди. Шунингдек, унинг келиннинг ўзига ҳам қўлланилганлиги ҳақидаги маълумотлар сўзнинг метонимия ҳодисасига мисол эканлигини кўрсатади (I,118). *Қатун* лексемаси XII-XIV аср эски туркий тил обидаларида *хатун* фонетик шаклида ишлатилган ҳамда «малика» ва «аёл, хотин киши» маъноларида кенг қўлланилган. Кейинчалик *қатун* // *хатун* лексемаси юқорида зикр этилган маънодошларининг истеъмолдан чиқиб кетишига сабабчи бўлган»²⁸.

Нарса-ҳодиса денотатли лексемалар уй-рўзгор буюмлари номлари, кийим-кечак ва мато номлари, озиқ-овқат маҳсулотлари номлари, мавҳум маъноли лексемалар, ўсимлик номлари (фитоним)лар, табиат ҳодисалари ва жисмлари номлари, тиббий истилоҳлар, ҳарбий истилоҳлар, пайт маъносини ифодаловчи лексемалар, иқтисодий ва давлат бошқаруви истилоҳлари, инсон тана аъзолари номлари (соматизмлар) доирасидаги синонимик қаторлар асосида таҳлил қилинган.

Учинчи бобнинг учинчи фасли «Антонимлар орқали зидлик муносабатининг ифодаланиши» деб номланган. Антонимликда лексик маънолар бири иккинчисининг зидди бўлиши, яъни антоним лексемалар умумий, интеграл сема билан бир қаторда, қарама-қарши семага ҳам эга бўлиши лозим. Масалан, *بَر بَقْر يُقُ التَّوْنُ* *Бар бақир жоқ алтун* мақоли «қўлда бор бўлган нарса мисдек кадрсиз, қўлда бўлмаган нарса олтиндек кадрли» (I,242) мазмунини англатади. Мақол таркибида қўлланган *бақир* ва *алтун* сўзлари ўзаро антоним бўлиб, бу икки лексема қуйидаги муштарак семаларга эга: «кимёвий элемент» «сарик тусли», «қаттиқ модда», «пул бирлиги» каби. Бу икки лексеманинг фарқловчи семаси уларнинг қийматида кўринади, яъни олтин «кадрли», мис «кадрсиз» семасига эга. Мана шу фарқловчи семалар уларнинг антонимик муносабатига асос бўлган.

Антонимлик турли лексик маънолар орасида юзага чиқади:

1) бирламчи (тўғри) маънолар орасида: *тўн кўнўң қаршиси ол* – тун кундузнинг қаршисидир (I,284);

2) ҳосила маънолар орасида: *أدغلق* *удуқлуқ* «одамнинг бир нарсдан ғофиллиги, хушёр эмаслиги, хабарсизлиги» (I,118) – *أدغلق* *узуглуқ* «ишда хушёрлик, сезгирлик» (I,118); *أشغلق* *ушақлиқ* «ишда ёшлик қилиш» (I,118) – *أشغلق* *улуғлуқ* «ёши катталик, катта ёшлик» (I,118) каби;

3) туб ва ҳосила маънолар ўртасида: *бақир* «мис» – *алтун* «олтин». *Бақир* туб сўз бўлса, *алтун* ясама сўздир. *Олтин* сўзи қадим «зар» (золото) маъносида туркча *ал* (қизил) ва хитойча *тун* (мис) сўзларидан таркиб топган бўлиб, «қизил мис» маъносини билдирган²⁹.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Девону луғотит турк**» асаридаги от лексемаларнинг полисемантик хусусиятлари» деб номланган. Мазкур бобнинг биринчи фасли «Полисемия ҳодисасининг назарий асослари» деб

²⁸ Дадабоев Х. Ўша асар. –Б. 91.

²⁹ Турсунов У., Ўринбоев Б. Ўзбек адабий тили тарихи. –Тошкент: Ўқитувчи, 1982. –Б.35.

номланган. Полисемия семасиологик категория сифатида бир тил бирлиги шаклида ифодаланган турли маъноларнинг ички, ўзаро боғланган семантик муносабатидир. Тилнинг қайси сатҳига алоқадор бўлишидан қатъи назар, полисемия объектив қонуниятлар таъсирида пайдо бўлади. Жамият тараққий этган сари тил ҳам ривожланиб боради. Жамият ҳаётида рўй берган турли иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ўзгаришлар, табиийки, тилга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Бу таъсир натижасида тилда мавжуд бир шаклий қиёфа бошқа янгидан-янги маъноларни ифодалаш учун хослана боради. Белги ва унинг маъноси орасидаги ана шундай муносабат полисемия ходисасининг вужудга келишига туртки бўлади: белги дастлабки бош маъноси билан ўзаро боғлиқликдаги яна бошқа маъноларни ҳам касб этади. Натижада кўп маънолилиқнинг вужудга келиши ва ривожланишига имконият яратилади. Бундан ташқари, тил тараққиёти ҳамма вақт тежамлилиқка интилиш билан мутаносиб бўлади. Бунинг мантикий асослари бор, албатта: тилнинг мазмуний сатҳига хос бирликларнинг манбаи ташқи (объектив) олам бўлиб, улар тилдан ташқарида, экстралингвистик характерда бўлади. Уларни қамайтириш мумкин эмас. Агар тилнинг мазмун сатҳига хос ҳар бир бирликда шаклий сатҳда ҳам ўз материал қиёфасига эга бўла олиш имконияти мавжуд бўлганда эди, тилда шаклий бирликлар кун сайин ортиб борган бўлар эди. Инсон тилининг психо-физиологик фаолият билан боғлиқ имкониятлари бундай кўпайишга йўл қўймайди: янгидан пайдо бўладиган маъновий бирликлар тилда олдиндан мавжуд бўлган шаклий бирликлар зиммасига юклана боради, натижада бир шаклий қиёфанинг мазмун қамровида кенгайиш вужудга келади. Бундай жараёнлар доимий ва амалий бўлиб, тилнинг шаклий бирликлари тизими торая боради, аксинча, унинг маъновий бирликлари системаси кенгая боради. Тилнинг шаклий ва мазмуний қурилишига хос номутаносиблик шу тарзда фаоллашади. Полисемия ва омонимия (қайси сатҳда бўлмасин) ана шундай мантикий ва лисоний қонуниятлар заминида вужудга келади³⁰.

Бобнинг иккинчи фаслида «Метафора маъно тараққиётини кўрсатувчи лингвокультурологик ҳодиса сифатида» таҳлил этилган. И.Привалова метафорани уч майдон: когнитив, лингвистик ва маданий майдонларнинг функционал бирлиги сифатида эътироф этади³¹. Чиндан ҳам, метафора мураккаб лингвистик ҳодиса сифатида ўз когнитив ва лингвомаданий асосларига эга. «Тилдаги сонсиз-саноксиз метафораларни эсга олгандаёқ инсон ташқи дунёни ўз ўлчови, ўз андазаси билан идрок этишини осонлик билан тасаввур қилиш мумкин»³². Бу эса метафорани ҳозирги тилшунослик тармоқлари саналган когнитив ва лингвокультурологик ёндашувлар асосида тадқиқ қилишни тақозо этади. Метафора когнитив асосга кўра оламини

³⁰ Маулер Ф.И. Грамматическая омонимия в английском языке. Часть I. –Орджоникидзе, 1977. –С.22.

³¹ Привалова И. В. Интеркультура и вербальный знак (лингвокогнитивные основы межкультурной коммуникации). –М.: Гнозис, 2005. –Б.46.

³² Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. –Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2017. –Б.56.

билиш, тушуниш, қўлга киритилган билимларни тилда инъикос эттириш, концептларни лисоний вокелантиришда муҳим ўрин тутди. Оламни когнитив англаш жараёни мураккаб бўлиб, метафора ёрдамида янги концептларни осон ўзлаштириш, ўрганиш имкони вужудга келади. Бунда онгда мавжуд бўлган бирор концепт ўхшашлик асосида бошқа бир концептнинг тушунилишига хизмат қилади. Метафораларнинг когнитив асосга эга бўлиши зарурлиги унинг инсон тафаккури билан боғлиқ мураккаб ва кенг қамровли ҳодиса эканлигини англатади. Тилимиз тарихида қадим замонларда қўлланган метафоралар ўша давр кишиларининг фикрлаш қобилияти, ақл-заковати, маданиятини вокелантирувчи воситалардан саналади.

Лингвокультурологияда маданий ёки лингвомаданий кодлар асосий тушунчалардан саналади. «Маданият кодлари – бу тил вакилларининг моддий ва маънавий оламини маданий маконда тасвирлаш ҳамда борликни концептуаллаштириш усули бўлиб, инсоннинг қадимий архетипик тасаввурлари билан уйғунлашган»³³. Миллий ва маданий меросни тилда акс эттиришнинг ўзига хос шакли³⁴ сифатида метафора лингвомаданий кодларни мужассам этади. «Девон»да отларга хос метафораларнинг соматик, биоморф, предметли, табиат-ландшафт коди асосида шаклланган турлари кенг учрайди. Мутахассислар метафорик маъно ҳосил бўлишининг сабаблари сифатида бир сўз бошқа сўзга нисбатан сўзловчининг ифода мақсадига кўпроқ мос ва мувофиқ бўлганлиги учун биринчиси ўрнида иккинчиси қўлланилиши ҳамда бирор денотатнинг ифодаловчиси бўлмаганлиги сабабли маълум бир сўз бошқа денотатни ҳам ифодалаш учун қўлланилиши каби омилларни кўрсатадилар³⁵. *Бурун* сўзи «инсоннинг тана аъзоси», «хид билиш органи», «юздан ташқарига туртиб чиққан қисм» каби семаларга эга бўлиб, бу сўз *тағ бурни* (тоғ бурни) бирикмаси таркибида қўлланганда унинг учинчи, «юздан ташқарига туртиб чиққан қисм» семаси ҳосила маъно учун асос бўлган, яъни бунда шакл асосидаги ном кўчишини кузатамиз. Бу сўз бирор денотатнинг ифодаловчиси бўлмаганлиги сабабли маълум бир сўз бошқа денотатни ҳам ифодалаш учун қўлланилишига мисолдир. Чунки авваллари тоғдан ташқарига туртиб чиққан қисм учун алоҳида ном бўлмаган ва у ташқи ўхшашлик асосида инсон тана аъзоси номи билан аталган. Кейинчалик эса бош ва ҳосила маъно омонимик муносабат касб этган.

В.А.Маслова лингвокультурологик бирликлар (лингвокультурема) сифатида тилдаги метафораларни ҳам кўрсатади³⁶. Дарҳақиқат, метафораларнинг вокеланиши нафақат лингвистик, балки тил соҳибларининг ижтимоий турмуш тарзи, дунёқараши, ҳайвонот ва наботот олами билан

³³ Исмаилов Ф. Туркий тиллар фразеологизмларида маданият кодларининг лисоний мақоми. Материалы III форума гуманитарных наук «Великая степь». –Астана, 2018. –Б.305.

³⁴ Кондратьева О. Метафора как лингвокультурный феномен// <https://cyberleninka.ru/article/n/metafora-kak-lingvokulturnyy-fenomen>. Дата обращения: 16.01.2021.

³⁵ Sayfullayeva R. va boshqalar. Hozirgi o'zbek adabiy tili. –Toshkent: Fan va texnologiya, 2009. –Б.109.

³⁶ Маслова В.А. Лингвокультурология. –М.: Академия, 2001. –С.36.

ўзаро муносабати каби жиҳатлар билан алоқадор ходисадир. Масалан, қадимда туркийларнинг кўчманчиликка асосланган турмуш тарзи, уларнинг ҳаётида чорвачилик деҳқончилик, овчилик, хунармандчилик каби соҳаларнинг асосий фаолият тури эканлиги метафораларнинг ҳам шу асосда яратилишига сабаб бўлган. Кейинчалик эса инсонлар ҳаёт тарзининг ўзгариши тил луғат фондига ҳам ўз таъсирини ўтказган.

Зоонимларга оид апеллятив лексиканинг метафорик асосда кўчирилиши орқали сўзловчининг нутқ субъектига бўлган ижобий ёки салбий муносабати ифодаланади. Маҳмуд Кошғарий «ўғил» маъносида *böri* (бўри), «қиз» маъносида *تلكو* *milkü* (тулки) сўзи қўлланиши ҳақида маълумот беради: «*تلكو* *milkü* (тулки) сўзи билан қиз боладан киноя қилинади. Бирон хотин тукқанда доядан *milküмү тугдi азу бöримү* – тулки туғдими ёки бўрими деб сўралади, яъни қизми ёки ўғилми демакдир. Қизлар алдоқчи ҳамда ялинчок бўлганлари учун тулкига, ўғил болалар улардаги ботирликка асосан бўрига ўхшатилади» (I,404). Дарҳақиқат, хайвон номларини англлатувчи *тулки*, *бўри* сўзлари метафорик қўллаш туфайли «қиз бола» ва «ўғил бола» маъносини англлатган. Бундай қўлланишнинг ҳам ўз лингвокультурологик асослари бор. «Авесто» ва юнон масалчилигида бўри ёвузлик, зўравонликнинг, кўй ожизликнинг рамзи сифатида кўрсатилган бўлса, «Култегин» ёдномасида бўри кучлилик, ботирликнинг белгиси сифатида тасаввур этилган. Бу ўринда бўрига ижобий нисбат берилишининг ҳам маълум ижтимоий асослари мавжуд. Чунки қадимги туркий халқларнинг мифларида туркларнинг Ашина уруғи бўридан тарқалган. Зотан, «Ўғузнома»да бўри енгилмас кучнинг мажози сифатида берилган³⁷. Бўри туркий қавмларнинг этник жиҳатдан маънавий ҳаётига раҳнамо ҳисобланган³⁸. Демак, туркийлар ўғил болаларни бўри деб атаганларида уларнинг бўридек кучли, ботир бўлишини орзу қилганларини кўришимиз мумкин.

Қазуңуқ сўзи «қозик» маъносини англлатган. Маҳмуд Кошғарий берган изоҳга кўра, Қутб юлдузини *Тэмүр қазуңуқ* деб атаганларининг сабаби шундаки, осмон унинг устида айланади (III,254). Темир қозик юлдузи қутбга жуда яқин бўлганидан юлдузлар гўё унинг атрофида айлангандек ва бунда у кўзғалмай тургандек туюлади. Шу боис унга Темир қозик (Олтин қозик, Қутб юлдузи) деб ном берилган³⁹. Ерга қоқиш учун мўлжалланган ёки қоқилган, учи ўткир ёғоч ёки темир (ЎТИЛ, V, 323) буюм – қозик, асосан, қорамолларни боғлаш вазифасини бажаради. Қозикқа боғланган жониворлар ҳеч қаёққа кета олмай, ана шу қозик атрофида айланади. Хўжалик ҳаёти чорвачилик бўлган қадимги туркийлар Қутб юлдузининг юлдузлар гўё унинг атрофида айлангандек ва бунда у кўзғалмай тургандек туюладиган ҳолатини чорва

³⁷ Мирзохидова Л. XI–XII асрлар туркий адабиётида мажозий тасвир бадиияти. Филол. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2018. – Б. 13.

³⁸ Ziyouz/uz/ilm –vafan/tarix/qozoqboy –mahmudov –turkiy –bayroqlar –ramzi. Murojaat etilgan sana: 16.01.2021.

³⁹ Qomus.info >Т харфи>Темир қозик. Мурожаат этилган сана: 22.09.2020.

молларининг қозик атрофида айланиши ҳолатига ўхшатганлар. Темир қозик юлдузининг номи ана шу ўхшатиш маҳсули сифатида юзага келган.

Маҳмуд Кошғарий *أثعاق* *атғақ* сўзини изоҳлар экан, унинг уч маънода қўлланилишини таъкидлайди: «атғақ – қоринда сарик сув йиғилиш касаллиги, қуланж. Сарик рангдаги бир турли ўсимликка ҳам *атғақ* дейдилар. Қайғудан ранги сарғайганларга ҳам *атғақ* дейилади» (I, 97). Бизнингча, бу сўзнинг биринчи маъноси «сарик рангдаги бир турли ўсимлик»дир. *Атғақ* сўзининг кейинги маънолари сўз таркибида мавжуд бўлган «сарик ранг» семаси асосида ҳосил қилинган. Ўсимлик таркибида мавжуд бўлган «сарик ранг» қуланж касаллиги туфайли қоринда тўпланадиган сувнинг ранги билан бир хил бўлганлиги учун касаллик ҳам ўсимлик номи билан аталган. Ёки инсоннинг бирор нарсадан қайғуриши натижасида ҳам унинг ранги сарғайиши мумкин. Бу эса ўсимлик номини англатувчи *атғақ* сўзининг яна бир қўчма маъноси юзага чиқишига сабаб бўлган.

